Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 12 октябрь, пайшанба. №125. (21.888). Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти.

А. ТЎРАЕВ олган сурат.

10 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Бош котиби Вильгельм Хойнкни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни Ўзбекистонга ташрифи билан қутлар экан, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг ташаббуси билан республикамизда ўтказилаётган халқаро семинар нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатларда экология ҳолатини барқарорлаштиришда ҳисса қўшишига ишонч билдирди.

— Сиз бевосита иштирок этаётган мазкур анжуман яқинда Нукусда Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш бўйича ўтказилган халқаро семинар билан ҳамоҳанг-дир. Чунки Нукус семинарида кўплаб халқаро ташкилотлар билан бирга ЕХҲТ вакиллари ҳам фаол иштирок этган эди, — деди Ислом Каримов.

Вильгельм Хойнк самимий қабул учун миннатдорлик билдирар экан, мустақил Ўзбекистон Республикаси эришаётган сиёсий, иқтисодий ютуқларни бутун жаҳон жамоатчилиги зўр эътибор билан кузатаётганини қайд этди. Минтақадаги экология ҳолати масаласига тўхталиб, бу муаммони ечишда кўмаклашиш учун қўлидан келган барча имкониятларни ишга солишини айтди.

Қабул чоғида Ўзбекистон билан Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Қабул чоғида Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги минтақавий вакили А. Резник ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ИСТИҚБОЛ САРИ ҚАДАМ

Дунё харитасида пайдо бўлган, ўзига хос ва мос йўли билан дадил қадам қўяётган мустақил ўлкамизда юксак малакали мутахассислар тайёрлайдиган маскан — ***Давлат ва жамият қурилиши академияси***нинг очилиши Ўзбекистон Республикаси ҳаётида катта воқеа бўлди. Зеро, республикамизда содир бўлаётган, амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий, маънавий, маданий ўзгаришлар ўз навбатида бошқарув тизимини такомиллаштириш, раҳбарлик бўғини ишларини фаоллаштириш, раҳбар ходимлар тайёрлашни тубдан яхшилашни тақозо этади. Шуниси муҳимки, бу борада қатор йирик, дунё тан олган давлатлар тажрибасидан ижодий ўрганганимиз ҳам давлатчилигимиз қаддини тиклаш, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда асқотиши шубҳасиз. Шу билан бирга академиянинг тантанали очилиши маросимида юртбошимиз таъкидлаганидек, кучли руҳий қувват бераётган миллий маданиятимиз, Шарқ фалсафасининг ҳаётбахш ва теран булоқларидан баҳраманд бўлиш ҳам муҳимдир.

Давлат ва жамият қурилиши академияси эндигина иш бошлаяпти. Унинг зиммасига оламжаҳон вазифа юкланган. Уларни адо этиш эса бевосита мазкур билим маскани тарбиячилари зиммасига тушади. Бинобарин, бу ерга бой тажриба орттирган олимлар, профессорлар, халқаро ва хорижий ваколатхоналар, элчихоналар раҳбарлари жалб этилса бу нафақат академия тингловчилари учун, балки унинг ўз ўқитувчилари учун ҳам катта мактаб бўлиши муқаррар.

Истагимиз янги билим ўчоғи асрий орзулари ушалиб, истиқлол суруридан баҳраманд бўлаётган ўзбек халқининг эртанги куни янада порлоқ, нурафшон бўлишига ҳисса қўшса деймиз.

Умматали СУЛТОНОВ,
иқтисод фанлари номзоди.

ЮРТ КЎЗГУСИ

Мустақиллик халқимиз ҳаётида туб бурилишлар ясаётир. Давлатимизнинг равнақи эса кўп жиҳатдан етук мутахассисларнинг салоҳиятига ҳам боғлиқдир. Республикамизда ***Давлат ва жамият қурилиши академияси***нинг ташкил этилиши айнан шу мақсадга қаратилгандир. Академиянинг истиқлол йўлида катта хизматлар қилишига Президентимизнинг маърузаларини эшитиб чин дилдан ишондим.

Бу юрт соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзодек ўнлаб, юзлаб буюк саркарда, давлат арбоблари, алломалари билан жаҳонга танилган макон. Бу сиймоларнинг босиб ўтган йўллари бизлар учун бой мерос ва сабоқдир.

Зотан, юртдошларимиз орасида ҳур фикрли, чуқур билимли, чин инсоний фазилатга эга кишилар кўп ва шундай инсонлар, бу нуфузли даргоҳда таҳсил кўрадилар, деб ўйлайман.

Мустақил Ўзбекистонимиз тарихидаги бу муҳим сиёсий янгилик жаҳон сари юз тутаётган юртимизнинг кўзгуси бўладиган зиёлилар аҳлини шакллантиради.

Марҳамат ЭРГАШЕВА,
Мирзо Улуғбек туманидаги 150-болалар боғчаси мудираси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ҳ. НАЗИРОВНИ (ҲАКИМ НАЗИР) ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, болалар адабиётини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этаётгани учун Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳаким Назиров (Ҳаким Назир) Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 11 октябрь.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

ЯНГИЛИКЛАР ВОҚЕЛАР ХАБАРЛАР

Фаоллар йиғилиши

ИСЛОҲОТНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ МАСАЛАСИ МУҲОКАМАДА

• НАВОИЙ вилояти фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоятда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ҳамда жорий йил тўққиз ойлик якунлари кенг муҳокама қилинди.

Бу ҳақда вилоят ҳокими Ҳ. Ғаффоров маъруза қилди. У вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётини таҳлил қилар экан, айниқса саноат корхоналари, жумладан Навоий «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, цемент заводида харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашдаги узибўларчилик ҳолатларини кескин танқид қилди.

Фаоллар йиғилишида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Музаффар ШАРОПОВ.

Кичик корхона

«БУКЕЛ» — БУЮК КЕЛАЖАК

• АНДИЖОН. Комсомолобод тумани техника таъминоти ва тузатиш корхонаси қошида ташкил этилган кичик корхонага «Букел», яъни Буюк келажак номи берилди.

Бу корхона маҳаллий мижозлардан ташқари қўшни туман ва вилоятдаги корхона ва хўжаликлар буюртмасини қисқа муддатда бажариб, бир миллион сўмга яқин фойда кўрди. Ишлаб чиқариш анча кенгайтирилиб 24 нафар киши хизмат қилмоқда. Бу ерда электр двигателлари таъмирланиб, монтаж қилиняпти.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

Ташаббус

ЎҚУВЧИЛАРГА КЎМАК

• ЖИЗЗАХ. «Ғаллаорол» агрофирма хўжалиги жамоаси янги ўқув йилида мактаб ёшларига яқиндан кўмаклашмоқда.

Хўжалик раҳбарлари тушган фойда ҳисобига ўқувчиларга дарслик қуроллари ва кийим-бошлар олиб бериш бўйича ташаббус кўрсатишган эди. Уларнинг бу хайрли ишини Ғаллаорол туманидаги оталиқ ташкилотлар ҳам маъқуллади.

Пардабой ТОЖИБОЕВ.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ХАБАРЛАР ФАКТЛАР

АНЖУМАН БОШЛАНДИ

Руминия пойтахти Бухарестда парламентлараро иттифоқнинг 94-конференцияси бошланди. Унда 115 мамлакат парламент аъзолари иштирок этмоқда. Анжуманда барча мамлакатлар парламентларининг коррупцияга қарши кураш ҳамда ижтимоий ривожланишда халқаро мажбуриятларни бажариш стратегияси, шунингдек, дунёдаги сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий вазиятга бағишланган масалалар муҳокама қилинади. Анжуман беш кун давом этади.

КОВАЧНИНГ АМАЛИЙ ТАШРИФИ

Венгрия ташқи ишлар вазири Ласло Ковач амалий ташриф билан Эстонияга келди. Эстония Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизматининг хабарига кўра, Ласло Ковач ташриф давомида Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Эстониядаги миссиясининг фаолиятини узайтириш масаласи муҳокама қилиниши кутилмоқда. Венгрия айни пайтда ушбу ташкилотнинг раисидир. 1996 йилда эса ЕХҲТга раислик қилишни Швейцария давлати қабул қилиб олади.

САМОЛЁТНИНГ ҲАЛОКАТИ

Мўғулистоннинг Миат авиакомпаниясига қарашли АН-42 самолёти 42 нафар йўловчиси билан ҳалокатга учради.

Ҳалокат сабабларини ўрганиб чиққан давлат техник комиссияси учувчиларнинг ноқулай об-ҳавода ҳам парвозни давом эттиргани фожеага сабаб бўлган, деган хулосага келди.

САФАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши Раиси Ли Пэннинг жаҳон бўйлаб 15 кунлик расмий сафари давом этмоқда. У сафар давомида Марокаш, Мексика, Перу, Канада ва Мальтада бўлади.

Хитой ҳукумати раҳбарига мамлакатдаги ҳукумат ташкилотлари ва йирик корхоналар раҳбарлари ҳамроҳлик қилмоқда.

МУЗОКАРАЛАР ҲАМОН БОШЛАНГАНИ ЙЎҚ

Афғонистоннинг Қандаҳор шаҳрида «Толибон» ҳаракати раҳбарлари билан Россия Федерацияси делегацияси ўртасида музокаралар бўлиши кутилмоқда. Маълумки, толибонлар икки ойдан буён Россияга қарашли ИЛ-76 самолётини учувчилари билан ҳибсда ушлаб турибди. Делегация раиси Мунир Файзулиннинг телефон орқали хабар беришича, ҳозирча музокаралар бошланганги йўқ. Чунки, музокаралар давомида БМТ ва Ислом конференцияси ташкилоти вакилларининг кузатувчи сифатида иштирок этиши таъмин этилмаган.

ЖАМҒАРМАНИНГ КУЗГИ МАЖЛИСИ

Вашингтонда Халқаро валюта жамғармаси бошқарув кенгаши қўмитасининг кузги мажлиси иш бошлади. Унда халқаро жамғармага аъзо 179 давлат марказий банки раҳбарлари, шунингдек, иқтисодиёт ва молия вазирлари иштирок этмоқда. Анжуманда валюта иқтирозини бартараф этиш мақсадида 50 миллиард доллар миқдорида махсус жамғарма ташкил қилиш масаласи кўрилиши кутилмоқда.

ПАРТИЯНИНГ БАЙРАМИ

Корея Халқ Демократик Республикасида Корея Меҳнат партияси ташкил этилганининг 50 йиллиги байрам қилинмоқда. Тантана арафасида КХДР халқи доҳийси Ким Ир Сеннинг «Аср ушқонида» деб номланган хотиралар китобининг янги 6-жилди босмадан чиқди. Унда кореяликларнинг япон босқинчиларига қарши кураши ҳақида ҳикоя қилинади.

Айрим сиёсатшуносларнинг ушбу тантаналар утаётган кунлари марҳум Президент Ким Ир Сеннинг ўғли, КХДР мудофаа қўмитаси раиси, Корея халқ армияси олий бош қўмондони Ким Чен Ир мамлакат президенти деб эълон қилинишини тахмин қилган эдилар. Бироқ, ҳозирча уларнинг тахмини тўғри бўлиб чиқмади.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

УЗУМ ШУНЧАЛАР САРГАРДОНМИ?

Бу йил юртимизга кут-барака ёғилди. Далалар, боғлар ноз-неъматга тўла. Аммо фурсат кутиб турмайди. Айниқса, узум ҳосилини йиғиб, топширишда маълум қийинчиликлар туғиляпти.

— Э, ука, узумнинг ғалвасси бир жаҳон, — дейди «Китоб» боғдорчилик бош хўжалиги боғбони Нуриддин Раҳмонов. — Ўтган йили совуқ туфайли ҳосил кам бўлувди. Бу йил ҳад-ҳисобсиз узум битди, десангиз. Бригадамиз 8 гектар узумзордан 270 тонна маҳсулот етказиб берди. Камида 70 тонна узумимиз бор ҳали. Хўжалигимизда ҳосилдорликни 40 тоннадан оширадиган бригадалар бор. Винобоп узумни майиз қилиб бўлмайди. Ҳар килосини 80-90 тийиндан сотган билан фойда кам. Бунинг устига хўжалигимизга қарашли корхонадаги идишлар ўтган йилнинг сотилмай қолган виноси билан тўла. Қани энди четга ортсак... Яшик йўқ, пули фалон сўм. Э, узум бунчалик хор бўлганини кўрмаганмиз.

Вилоятда 40 минг тоннадан ошиқ узум етиштириш имкони бор. Бу йил бундан ошади. Вилоятнинг қарийб 60-65 фоиз узумини етиштириб бераётган Китоб туманида бу йил мисли кўрилмаган узум битди. Туман деҳқончилик саноати бирлашмаси бошлиғи Неъмат Ҳолиқовнинг айтишича, 30-35 минг тонна ҳосил етиштирилган. Бу ҳосилнинг анча қисми ҳали боғларда.

— Жами 290 гектар узумзорнинг 150 гектарида винобоп навлар экилган, — дейди Шаҳрисабз туманидаги Ўроқ Иброҳимов номли хўжалик бош ҳосилоти Шукур Юнусов. — Илгари узумни четга жўнатиб яхши фойда олардик. Энди илож йўқ. Имкони борича майиз қуритиб оляпмиз.

— Агар яшик бўлганда, хўраки узумларни 6,5 сўмдан четга сотардик, — дейди «Яккабоғ» боғдорчилик хўжалиги раиси Шуҳрат Бекназаров. — Махсус омборимизда олма сақлаяпмиз. Қишда сотиб, иш ҳақини узамиз.

— Мен яқинда раҳбарликни зиммамга олдим, — дейди шу тумандаги «Турон» хўжалиги бошқаруви раиси Эргаш Ҳотамов. — Иқтисод ўтириб қолган. Ҳали боғларда 2 минг тоннадан зиёд узум бор. Ярмини қайта ишлаш корхоналарига топширишимиз керак. Яккабоғ консерва-шароб корхонасининг қуввати кичик. Энди Шаҳрисабздаги корхона билан шартнома тузяпмиз. Одамларга узум тарқатиб, тўланмаган иш ҳақини уза бошладик.

Қўнғироқ

Ҳа, оғир меҳнат эвазига ҳосил етиштирган боғбонлар учун муаммолар озмунча эмас. Аммо нима бўлмасин, узумни нобуд қилмаслик керак-да. Бу борада Шаҳрисабз шароб-ароқ ҳиссадорлик жамияти ишчиларининг зиммасига асосий масъулият тушмоқда. Бу биринчи марта эмас...

— Айрим хўжаликларнинг мутасаддилари узумни қабул қилишмаяпти, нархи ҳам арзон, дейишмоқда.

— Бу ишни эплолмаган одамнинг гапи, — дейди корхона бошлиғи Кураш Сайимов. — Корхонамиз технологияси анча такомиллашган. Ҳозиргача 10 минг тоннага яқин узум қабул қилиб олдик. Яна 10 минг тонна ҳосилни олишга тайёрмиз. Биз Чироқчи, Яккабоғ, Шаҳрисабз ва Китоб туманларидан узум оляпмиз. Чироқчи туманининг Еттитом мавзесида қурилган цехимизда 500 тонна узум олинди. Навига, тўплаган шакарига қараб, ҳар кило узумни 2,4—3 сўмга оляпмиз. Афсуски, боғбонлар узумни навларга ажратиб топширишга эътибор беришмайди. Бундай узум ўзўзидан маълумки арзон. Корхонамиз маҳсулотларини жаҳон бозорига чиқаришга тайёргарлик кўряпти. Олайлик «Алеятеко» навли узумнинг шакари 24 фоиздан кам бўлмаслиги лозим. Кабарне, баян-шире, рекацели каби узумлар навларига ҳам қўйилган талаблар бажарилиши керак-да. Ҳозир 100 минг деколитр шампан виноси тайёрлаб қўйдик. Бу маҳсулотни Украинадаги ҳамкорларга спиртга алмашмоқчимиз. Швейцариянинг «Альфалавал» фирмасидан шинни тайёрлайдиган ускуналарни сотиб олганмиз. Оқ ва рангли шинниларни ишлаб чиқаряпмиз. Бу маҳсулотни ҳам четга чиқарамиз. Демак, узум нобуд бўлмаслиги учун имкон даражасида ҳаракат қиляпмиз. Менимча, бошқа имкониятларни ҳам кўриш, узумни асраш учун шароит яратиш керак...

Дарҳақиқат, Шаҳрисабз шароб-ароқ корхонаси оғир иқтисодий қийинчиликларга бардош бериб ишлаяпти. Уч юз қирқ беш киши меҳнат қилаётган очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти атрофига бешта боғдорчилик хўжалиги ҳам бирлашган. Бу хўжаликларда иш яхши уюштириляпти. Аммо айрим хўжаликларда узумни навларга ажратиб топшириш, асраш, майиз қуритиш қониқарли эмас. Ҳамма бало шундаки, ички бозорда бунча узум ва шаробга, ширин ичимликларга талаб йўқ. Махсус узум сақлайдиган омборхоналар эса етишмайди.

Балки, «Узмевасабзавотузумсаноат» концерни раҳбарлари бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришар!

— Шундай ноз-неъматни нобуд қилсак, кўзга увол, — дейди Китоб бозорида қоражанжал ва тойпи узумини 3-4 сўмдан сотаётган боғбон ҳам. — Ҳадемай, бир кило узум 15-20 сўмга кўтарилади...

Боғбоннинг бу гапини изоҳлашга эса ҳожат йўқ.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЯПОНИЯ ҲУҚУҚ-ШУНОСЛАРИ ТАШРИФИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Япония Адлия вазирлиги расмий делегацияси 9 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Б. Мустафоев билан учрашди.

Б. Мустафоев меҳмонларга Ўзбекистоннинг ҳуқуқий янгиланиш сиёсати, қонун устуворлиги йўлида, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши курашда амалга ошираётган ишлар, келажакдаги режалар ҳақида сўзлаб берди.

Япония делегацияси раҳбари Хидзо Макута ўз мамлакатидаги ҳуқуқий аҳвол, қонунчиликдаги муҳим жараёнлар, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар фаолияти хусусида сўзлаб, Ўзбекистон билан Япония ҳуқуқ-тартибот органларининг ўзаро алоқалар almашиши, тажрибаларни ўртоқлашиши фойдали бўлишини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ва Япония Адлия вазирлиги ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзА).

Обуна-96

«ХИЗМАТГА ТАЙЁРМИЗ»

дейишмоқда Сирдарё вилоятининг матбуот тарқатиш-ишлаб чиқариш корхонаси ходимлари

Газета ва журналларга обунани уюштиришда Сирдарё вилояти ҳар йили республикамиздаги етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келади. Бу йил ҳам вилоятдаги ана шу вазифага масъул бўлган барча идора ва муассасалар аньанага содиқ қолиб вақтли рўзнома ва ойномаларга обунани ҳамжиҳатлик ва уюшқоқлик билан ўтказишга азму қарор қилмоқдалар. Вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари бу вазифага алоҳида масъулият билан қарамоқдалар.

Вилоятнинг шаҳар ва туманларидаги партиямизнинг қатор бошланғич ташкилотлари эса тегишли газета ва журналларга обунани уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан амалий тадбирларни ишлаб чиқиб, ҳозирданоқ тегишли чораларни кўришмоқда.

— Матбуот тарқатувчиларимиз газетхонлар хизматига тайёр, — дейди Сирдарё вилоят давлат почта алоқаси ва матбуот тарқатиш-ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи Мукамбар Қиличева. — Биз бу йилги мавсумни алоҳида тайёргарлик билан кутиб олдик. Чунки, обуна мавсуми масъулияти биздан шуни талаб этмоқда.

Ҳақиқатан ҳам бу йил вилоятда обуна мавсумига алоҳида тайёргарлик кўрилди. 125 та алоқа бўлими ва боғланмаси 300 нафар почтальон, жамоатчи обуна тарқатувчилар вилоят меҳнаткашлари хизматида бўлишади. Корхона бўйича жами 500 га яқин киши бу мавсумда иштирок этади.

Обуна бошланиши арафасида дастлаб вилоят бўйича уч кунлик семинар ўтказилди. Сўнгра барча шаҳар ва туманларда ҳам ана шундай семинарлар ташкил этилди. Туман ва шаҳарларда махсус текширишлар ўтказилиб, Гулистон, Мирзаобод, Сирдарё туманлари ҳамда Янгиер, Гулистон шаҳарлари матбуот тарқатувчиларнинг бу йилги мавсумга ҳар тараф-лама пухта ҳозирлик кўрганликлари аниқланди. Вилоят бўйича барча алоқа бўлимларида обуна учун зарур бўлган ҳужжатлар, каталоглар тахт қилинган.

Айни кунларда барча алоқа бўлимларининг эшиклари обуначилар учун очиқ. 300 нафар почтальон эса уйма-уй юриб аҳолидан узлари севган нашрлар, жумладан «Ўзбекистон овози» учун ҳам обуна қабул қиладилар. Вилоятда масъулиятли мавсумни кўнгилдагидек якунлаш учун ҳозирданоқ астойдил иш олиб борилмоқда.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Газетанинг обуна баҳоси қуйидагича белгиланган:

Фуқаролар учун
бир йилга — 1086 сўм,
олти ойга — 543 сўм.

Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.

Корхона ва ташкилотлар учун
бир йилга—1210,80 сўм,
олти ойга — 605,40 сўм.

Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.

Тошкент шаҳридаги обуначиларга етказиб бериш харажатлари кам бўлгани туфайли алоҳида обуна баҳоси белгиланди:

Фуқаролар учун
бир йилга — 876 сўм,
олти ойга — 438 сўм.

Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.

Корхона ва ташкилотлар учун
бир йилга — 1211 сўм,
олти ойга — 610 сўм.

Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.

КОТИБНИНГ ОБРЎЙИ

Яккабоғнинг тоғ олди адирларида жойлашган мева ва сабзавот, узумчиликка ихтисослашган «Турон» жамоа-ширкат хўжалиги ХДП бошланғич партия ташкилотининг котиби Баҳриддин Жовлиев билан суҳбатимиз жамоа хўжалиги раиси Тўра Сатторов ҳузурида бошланди. ХДП аъзоси Тўра Сатторов 1992 йилдан бери хўжалик марказдаги қадимий қишлоқ «Турон» номини олганлигини, хўжаликда 11 мингдан зиёд аҳоли яшашини, бу йил давлатга 3,5 минг тонна узум, минг тонна мева, 2,5 минг тонна ғалла сотиш учун жонбозлик ҳаракати давом этаётганлигини айтиб ўтди. Раис хўжаликда 170 га яқин ХДП аъзоси борлигини, уларнинг кўпчилиги хўжалик фаоллари эканлиги, котиб эса хўжалик бошқаришда, муҳим ҳаётий масалаларни ҳал этишда асосий роль ўйнашини айтиб ўтди:

— Биз Баҳриддин Жовлиев билан кўпдан бери бирга ишлаймиз, ишчан тажрибали, талабчан раҳбар. Унинг асли касби журналист. Шу боисми ҳар бир ишга масъулият билан ёндошади. Бошқа хўжаликларни билмадиму, биз котибимизни ҳурматлаймиз. Хўжалик қайта тузилганда Баҳриддинжонни алоҳида ширкат раиси сифатида сайлаб, ижтимоий-сиёсий, маданий-маиший соҳаларни қамраб олувчи 15 соҳага раҳбарлик ва тўла бошқариш масъулиятини юклаганмиз. Унинг ихтиёрида алоҳида ҳисобчи ҳам тайинланган. Тўғриси, котибимиз — бизнинг ўнг қўлимиз. Қолганини мана ўзидан сўранг:

Баҳриддин суҳбатни давом эттирди.

— ХДП аъзоларининг сафи йилдан йилга кенгайиб, партия ташкилотининг обрўйи ошиб бормоқда. Ўтган йили 30 га яқин аъзо қабул қилган эдик. Бу йил ҳозиргача 10 кишини сафимизга ўтказдик. Бу рақам йил охиригача 40 дан ошиши кўзда тутилмоқда. 10 та ҳудудий цех партия ташкилотининг ҳар бири ўз котибига эга. Режа асосида ўтказиладиган ҳар бир йиғилиш хўжалик истиқболи учун маълум мақсадга қаратилади. Хўжаликдаги бошқа йиғилишлар ҳам ХДП аъзолари билан ҳамкорликда ўтказилади. Маҳалла оқсоқоллари, қўмитаси раислари бизнинг энг яқин ҳамкорларимиз. Партия ташкилотимиз раҳбарият ҳамкорлигида хўжалигимизда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва унга раҳбарликни янада кучайтириш юзасидан тадбирларни амалга оширмоқда. 36 метрли Самоқ-Сероб қишлоқларини боғловчи кўприк, 5 жойда гилам цехи, ғишт ишлаб чиқарадиган цех, пахта титиш корхонаси, 2 жойда майизхона, шоли оқлайдиган обжувоз қурилиб ишга туширилди. Кейинги 4 ойда гилам цехимизда 124 дона сифатли гилам тўқиб чиқарилди. 150 нафар киши қўшимча иш жойи билан таъмин этилди.

Хўжалик партия ташкилоти Республикамиз Президенти ва унинг етакчи сиёсий таянчи ҳисобланган ЎзХДП томонидан чиқарилаётган қарор ва тадбирларни, иқтисодий ислоҳотлар ва миллий истиқлол мафкурасига оид ҳужжатлар ва кундалик янгиликларни фуқароларга етказиш ва уни амалга бажаришга бош-қош бўлмоқда.

Ҳа, Баҳриддиннинг гаплари асосли. У бошчилик қилаётган партия ташкилотининг обрўйи, «Турон» жамоа хўжалиги кундан-кун юксалиб, кўнгилдаги натижаларни бермоқда. «Турон»нинг Яккабоғ туманида илғор хўжалик сифатида тан олинишида ХДП бошланғич ташкилотининг муносиб ҳиссаси бор.

Ғози РАҲМОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАШВИҚОТ ГУРУҲИ ДАЛАДА

Ўзбекистон ХДП ташкил топганлигининг тўрт йиллиги муносабати билан Хоразм вилоят партия кенгаши томонидан махсус тарғибот-ташвиқот гуруҳи тузилди. Шоирлар, жамоат ташкилотларининг вакиллари ва партия фаолларидан ташкил топган бу гуруҳ жойларда бўлиб, иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида амалга оширилаётган ишлар, муаммолар, уларнинг ҳал қилинишида ХДП дастурий мақсадидан келиб чиқадиган вазифаларнинг моҳияти, партия ташкилотларининг, ҳар бир партия аъзосининг бу вазифаларни амалга оширишдаги фаолияти борасида қизиқарли суҳбатлар, семинарлар, учрашувлар ўтказяптилар.

Учрашув ва мулоқотларда партия матбуот нашрларига обунани ташкил қилиш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Бундай тадбирлар дастлаб вилоятнинг Гурлан туманидаги «Намуна», «Гулистон», «Янгиобод» жамоа хўжаликларида, Янгибозор туманининг «Ўзбекистон», «Бўзқалъа» жамоа хўжаликлари, Қўшкўпир, Шовот туманларида бўлди.

Тарғибот-ташвиқот гуруҳига ХДП вилоят кенгаши иккинчи котиби Бахтиёр Рўзматов бошчилик қилмоқда.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ПАХТА-ВАТАНГА

ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1995 ЙИЛ 11 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	Бир кунда	Мавсум бошидан буён
АНДИЖОН	**0,43**	**104,87**
Хоразм	1,13	95,94
Наманган	0,50	91,85
Фарғона	1,03	90,16
Бухоро	1,11	86,92
Навоий	1,70	86,63
Тошкент	2,10	78,63
Қашқадарё	1,89	77,66
Қорақалпоғистон Республикаси	1,31	72,07
Сурхондарё	1,26	71,28
Самарқанд	1,68	70,34
Сирдарё	2,07	66,61
Жиззах	2,08	64,86
Республика бўйича	**1,40**	**81,02**
1994 йилда	**2,00**	**71.20**

«Оқ олтин — 95»

УЛОҚ — БОЕВУТЛИКЛАРДА

Боёвут тумани пахтакорлари Сирдарё вилоятида биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш йиллик режасини ошириб адо этдилар. Қабул пунктларига 44 минг тоннадан зиёд юқори навли хом ашё топширилди ва ҳосилдорлик гектар бошига 26 центнерга етказилди. Ҳосилнинг асосий қисми техника ёрдамида териб олинди.

Эришилган ғалабага «1Май», Навоий номли, «Тараққиёт», «1-Боёвут», «III-Боёвут», Усмон Юсупов номли, Ш. Рашидов номли, Т. Латипов номли хўжаликларнинг меҳнат аҳли баракали ҳисса қўшдилар.

Туман ҳокими Аҳад Пиримқулов:— «Биз бу йил умумий хирмонимизни 50 минг тоннага, ҳосилдорликни эса 30 центнерга етказамиз!»— деди.

Туман далаларида йиғим-терим аввалгидек қизғин.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Жомбой туманидаги «Навбаҳор» жамоа хўжалиги пахтакорлари дашт ерларда деҳқончилик қилишнинг ўзига хос қийинчиликларини енгиб, юқори ҳосил етиштирдилар. Айни кунларда 200 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил йиғиб олиш учун астойдил ҳаракат қилишаётир. Хўжалик чеварларининг ғайратлари туфайли кунлик суръат юқори бўлмоқда. Айниқса, Яхшибой Қувондиқов бошлиқ бригада аъзолари Барнохон Асадова ва Мавжуда Хурбоевалар кунига 150—180 килограммга етказиб пахта териб топширмоқдалар.

Суратда: чевар теримчи Барнохон Асадова.

Камолиддин ЮСУПОВ олган сурат.

ҲИММАТИ ТОҒДАЙ БАЛАНД

Олтин куз довонга чиқди. Энди бу ёғи — қишга мойиллик. Шу боисдан даладаги ҳосилни тез ва соз саранжом-саришталаш керак. Ҳаяллаган панд ейди. Шундай тиғиз пайтда деҳқонга ёрдам қўли шу қадар азизки, сув билан ҳаводек зарур. Бинобарин, элдошларимиз қийин пайтда деҳқонни ҳеч қачон ёлғизлатиб қўймаган. Пахта терими бошлангач, катта-ю кичик — ҳамма қалб амри билан далага чиқади. Кузнинг шу кезлари бепоён пахтазорларимиз катта ҳашар майдонини эслатади.

— Пахтани деҳқоннинг бир ўзи етиштиради, лекин уни йиғиштириб, хирмонга жойлаш ҳамманинг ишвиши. Бу катта юмушни деҳқоннинг ёлғиз ўзига ташлаб қўйиш ярамайди, — дейди Жиззах вилоятидаги Дўстлик нефть маҳсулотлари билан таъминлаш корхонаси раҳбари Дўстмурод Қодирқулов. — Ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилсакгина қимматли ҳосил ёғин-сочинли кунларга қолмайди.

Зеро, корхона ишчи ва хизматчилари пахтакорларга ҳамиша камарбаста. Салкам 100 минг тонна «оқ олтин» етиштирадиган ҳудуд-Дўстлик ва Арнасой туманларидаги барча техника воситалари шу корхонадан озиқ-ёнилғи олади. Ёнилғи масаласининг нечоғлик нозик эканлигини таъкидламасак ҳам бўлади. Бироқ шуни мамнуният билан айтиш мумкинки, ёнилғи тақчил бўлган энг тиғиз пайтларда ҳам бу ерда узилиш бўлмаган. Корхона жамоасининг тадбиркорлиги, ишчанлиги, бозор иқтисодиётининг нозик жиҳатларини яхши ўзлаштириб олгани туфайли деҳқонлар ёнилғига зориқиб қолмадилар. Нефть маҳсулотлари уларга ўз вақтида, пешма-пеш етказиб турилди. Мана шунинг ўзиёқ мўл ҳосилга қўшилган катта ҳисса-ку!

Корхона жамоаси буни ўзларининг кундалик оддий иши деб ҳисоблайди. Шу боисдан ҳар йили йиғим-терим бошланиши ҳамон, юқоридан бирон-бир кўрсатма бўлишини кутиб ўтирмай, пахтакорларга мадад кўрсатиш учун 15-20 кишилик гуруҳ тузилиб теримга жўнатилади. Улар мавсум охиригача 35-40 тонна «оқ олтин» териб хирмонга тўкишади. Бироқ кенг қамровга одатланган жамоа учун бу кўрсаткич кам кўринди ва бултур хўжаликларнинг биридан яроқсизлиги туфайли ҳисобдан чиқарилган терим машинасини олиб, ўз ҳисобидан таъмирлаб, ишга солди. Бу машина ёрдамида салкам 50 тонна пахта терилди.

Бу кўрсаткич ҳам кам туюлди ва жамоа аъзолари ўзаро келишиб, жорий йилда 120 минг сўмга битта ХМ-I русумли янги терим агрегати сотиб олдилар.

— Ана шу машина ёрдамида камида 120 тонна пахта теришни мўлжаллаяпмиз, — деди суҳбат сўнгида корхона раҳбари. — Ҳозир механизатор йигитларимиз — Жумон Нурматов ва Ҳазрат Сафаров галма-гал ишлаб, кунига 5-6 тоннадан пахта теришётир. 15 нафар теримчимиз ҳам бўш келишмаяпти. Улар ҳам ҳар куни 60-70 килограммдан дур териб, хирмонга барака киритишмоқда.

Қалб амри билан ҳашарга чиққан азаматлар меҳнат қилаётган «Манас» ижара ширкатлар бирлашмасининг Гадой Шодиев бошлиқ деҳқон хўжалиги далаларида бўлдим. Заршунослар чинакам мўл ҳосил етиштиришганини бир қарашдаёқ пайқаш мумкин. Машина бункерлари ҳаял ўтмай тўлаяпти. Ҳосил чуғи ва механизаторлар ғайратидан Гадой ака мамнунлигини яширмади.

— Биринчи теримда гектаридан ўртача 27 центнердан тушаяпти. Режа — 31 центнер. Худо хоҳласа, иккинчи теримда бу марradан анча ўзиб кетишимиз тайин, — дейди у пахтазорга завқ билан тикилиб. — Ҳашарчи механизаторларимиз барака топишсин. Жуда сифатли теришаяпти. Кеча ҳар бири 10-12 бункердан хом ашё бўшатишди. Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди, деганлари шу-да! Пахтакор деҳқоннинг қувончию миннатдорчилиги чексиз. Зеро, ҳиммати тоғдай баланд ҳашарчи учун эл ризқ-рўзини яратувчи деҳқоннинг оғирини енгил, машаққатини осон этувчи мададкорлар учун бундан ортиқ мукофот нима? Менимча, эл раҳмати ҳар қандай мукофотдан улуғроқ.

Норбобо ШАКАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

АНЪАНА БУЗИЛМАДИ

Ўрта Чирчиқ тумани пахтакорлари бир неча йиллардан буён Тошкент вилоятида биринчи бўлиб йиллик режани бажариб келадилар. Бу анъана бу йил ҳам бузилмади. Давлат омборларига 36 минг тоннадан зиёд дурдона топширилди.

Йиллик режаларини анча ошириб бажарган Охунбобоев номли, «Гулистон» халқ корпорацияси, «Ўзбекистон», «Ўртасарой», «Северный маяк», А. Икромов номли, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти ўқув хўжалиги ҳамда «Ҳақиқат» жамоа хўжаликлари туман хирмонига баракали ҳисса қўшдилар.

Ўюлган хирмоннинг деярли ярми машиналар улушигатўғри келди. Бир неча кундан кейин пахтани машиналарда териш йиллик режаси ҳам бажарилади. Туман ҳокими Қ. Деҳқонбоев: «Уюшқоқлик, пахтакорларга яратиб берилган моддий ва маиший шароитлар, ҳашарчиларнинг беминнат қўмаклари муваффақиятни таъминлашда асосий омил бўлиб хизмат қилди, — деди. — Далалардаги ҳосилни бир мисқолигача нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш ва келгуси йил мўл ҳосилига замин яратиш учун ғайрат билан ишлаш — мақсадимиздир».

Абдунаби МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СИРДАРЁГА — ҲАШАРГА

Андижонлик меҳнаткашлар пахта йиғим-теримини жадаллаштириш билан бир қаторда вилоят ҳокимлиги даъватига биноан сирдарёлик пахтакорларга ёрдам беришга жазм қилдилар. Шу кунларда 6 минг нафар андижонлик Меҳнатобод туманига жўнаб кетдилар.

Ҳашарчилар ишини мувофиқлаштирувчи марказий штабдан маълум қилишларича, меҳнатободликлар уларнинг унумли ишлашлари учун етарли шароит яратмоқдалар.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЙИЛЛИК РЕЖАНИНГ ТЎРТ ФОИЗИ ҲИСОБИДА

«Бегжап» деҳқон-фермер хўжалиги Хўжайли тумани хўжаликлари орасида биринчи бўлиб маррага етди. 240 гектар майдондан 310 тоннадан кўпроқ пахта тайёрланиб, белгиланган режа ошириб адо этилди. Хўжалик заршунослари ялпи ҳосилни 500 тоннага етказишга азми қарор қилишган.

— Топширилган пахтанинг ҳаммаси биринчи навга қабул қилинди, — деди деҳқон-фермер хўжалиги раиси Йўлдошбой Юсупов. — Бир килограмм пахтага 1 сўм 20 тийиндан пул тўланиши етиштирилган ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олишга имкон яратди. Далада ҳосил ниҳоятда кўп. Режамиз ошириб бажарилса ҳам кунига йиллик режанинг 4,1-4,3 фоизи миқдорида пахта топширишга эришмоқдамиз.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БИЗ КИМ, МУЛКИ ТУРОН...

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Узбекистон Республикаси Тожикистонга ҳамиша инсонпарварлик ёрдами кўрсатиб келмоқда. Яқинда душанбеликлар узбекистонлик қардошлар темир йўл орқали юборган 1000 тонна галлани қабул қилиб олдилар. Шунингдек, Германия Федератив Республикаси Тожикистонга озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш учун 10 миллион 70 минг марка, Хитой Халқ Республикаси эса 50 миллион юан миқдорида техник кредит беришга қарор қилди.

ЯНГИ ЭЛЧИ

Наби Муҳаммад Ал-Лахом Фаластин давлатининг Тожикистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланди. Шу муносабат билан у Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоновга ишонч ёрлиғини топширди.

АТС ИШГА ТУШДИ

Душанбеда жаҳон андозаларига мос янги телефон Алоқаси маркази ишга туширилди. Уни Тожикистон Алоқа вазирлиги ва Жанубий Кореянинг «ДЭУ электроникас» фирмаси бунёд этди. Мазкур телефон алоқа маркази 10 миллион нуқтага эга.

Тожикистонда Жанубий Кореянинг бу фирмаси билан алоқа тобора кенгаймоқда. Кореяликлар Турсунзода шаҳри АТСини ҳам қайта қуришга киришдилар.

ЕР ОСТИ ЛАҲМЛАРИ БОСҚИЧМА БОСҚИЧ ТУГАТИЛАДИ

Америка Қўшма Штатлари Қозоғистон Республикасига Семиналатинск яқинидаги ер ости ядро синови майдонларини тугатишда кўмак беришга қарор қилди. Бу ҳақдаги битим 3 октябрь куни Пентагонда имзоланди. Мазкур битимга кўра, АҚШ жорий йилда Семиналатинскдаги 186 та лаҳмнинг радиация нурланиши ва жуғрофий ҳаволиня ўрганиш учун 6 миллион доллар ажратади. Мазкур лаҳмлар тоғ остида жойлашган бўлиб, бу ерда 1961 йилдан 1989 йилгача 220 та ер ости ядро синовлари ўтказилган.

Ер ости лаҳмлари босқичма-босқич ёпилади ва 1999 йилгача батамом тугатилади. Бу лойиҳани амалга ошириш учун эса 16 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарф этилар экан.

ҚЎШИЛМАСЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ЯНА БИР АЪЗОСИ

Туркманистон бетарафлик сиёсатини юргизишга интилмоқда ва у шу ойда қўшилмаслик ҳаракатига аъзо бўлади. Францияда расмий сафарда бўлган Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси Раиси ўринбосари, ташқи ишлар вазири Борис Шихмурадов шуни таъкидлади: маълумки, собиқ Иттифоқ ҳудудида пайдо бўлган янги мустақил давлатлар орасида Узбекистон биринчиларидан бўлиб қўшилмаслик ҳаракатига аъзо бўлган эди. Эндиликда бизнинг мамлакатимиз ҳам ушбу нуфузли ҳаракатга аъзо бўлишидан беҳад мамнунман.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Ислоҳот кесишувларида

БАНК ТИЗИМИ: ДАВР БИЛАН ҲАМҚАДАМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ РАИСИ ФАЙЗУЛЛА МУЛЛАЖОНОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Марказий банк мамлакатимизда иқтисодий-молиявий мувозанатни ушлаб турувчи асосий муассаса ҳисобланади. Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида унинг тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида, пулнинг қадрини ошириш учун айни кунларда амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида гапириб берсангиз.

— Узбекистон Республикаси Марказий банкининг мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиётни барқарорлаштиришдаги ўрни жуда катта. Шу ўринда мен мустақил мамлакатимизнинг банк тизимида амалга оширилаётган айрим муҳим тадбирларга эътиборингизни қаратмоқчиман. Умуман олганда, мамлакатимиз учун ҳам, республика банк тизими учун ҳам мустақилликка эришганимиздан буён ўтган 4 йил тарихий давр бўлди. Банк соҳасини ривожлантириш, пул муомаласини яхшилаш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда чуқур ижобий силжишлар рўй берди. Мен банк соҳасининг вакили сифатида, айниқса, миллий валютамиз — сўмнинг барқарорлиги ва соғлом молия-банк тизимининг шаклланганлиги кишини қувонтиришини алоҳида таъкидламоқчиман.

Мамлакатимизда пул муомаласини бир маромга солиш, истеъмол бозорини тўлдириш ва экспортни кўпайтиришга қаратилган йирик чора-тадбирларнинг амалга оширилиши сўмнинг барқарор муомалада бўлишига замин яратди. Мазкур жараён кўп жиҳатдан иқтисодий вазиятнинг барқарорлашувига, пулнинг қадрсизланиши бирмунча пасайишига олиб келди. Сўмни ички бозорда эркин айирбошланадиган валюталар қаторига қўшиш борасида ҳам анча ишлар қилинди. Жумладан, сўмнинг биржа курси ва нақд валютага айирбошлаш курслари тенглаштирилди. Узбекистон Республикаси Валюта биржасидаги операциялар ҳажми кескин кўпайди.

Миллий валютага ўтиш иқтисодий ислоҳотларнинг навбатдаги босқичларидан бири сифатида биздан муҳтадил чекланган кредит сиёсатини амалга оширишни талаб этди. Пул массасини ҳаддан ташқари чеклаш охир-оқибатда иқтисодий ўпирилишларга ва ижтимоий танглиққа олиб келишини Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги бошқа республикалар мисолида кўрдик. Шу туфайли ҳам Марказий банк ўз фаолиятида пулнинг қадрсизланишига қарши йўналтирилган пул-кредит сиёсатини иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар билан мувофиқлаштириб ва узвий боғлаб олиб борган тақдирдагина бу сиёсат муваффақиятли амалга ошади, деган тамойилга асосланди.

Шу боисдан, Марказий банк пул массаси ўсишининг аниқ мақсадга қаратилган йўналишларини белгилаб, кредитларни қисқартириш чораларини кўрди. Бу тадбирлар ҳукуматимиз томонидан тасдиқланган бўлиб, уларни амалга ошириш учун қатъийлаштирилган пул-кредит сиёсати олиб борилди. Пулнинг қадрсизланишини пасайтириш стратегиясидан келиб чиқиб, Марказий банк сўмнинг қадрини ошириш, харид қувватини мустаҳкамлаш ва пул эмиссиясини қисқартириш мақсадида марказлаштирилган ресурсларни ажратишни кескин камайтириб бормоқда ва уларни ҳукуматимиз қарорларига кўра стратегик соҳаларга йўналтирмоқда. Шу билан бирга, реал фоиз ставкаларининг шаклланиши эса хўжаликларни кредитлардан ва ўз маблағларидан самарали фойдаланишга мажбур этмоқда.

Қатъий молия ва пул-кредит сиёсати 1995 йилдан бошлаб мантиқий чуқурлашиб бораётир. Шу сабабли пул муомаласида ижобий натижалар кўзга яққол ташланяпти. Хусусан, пулнинг қадрсизланиши даражасининг кескин пасайиши бу борадаги сиёсатимизнинг муҳим натижаларидан биридир. Жумладан, пулнинг ойлик қадрсизланиши даражасини январь ойидаги 17,6 фоиздан август ойида 0,9 фоизгача туширишга эришилди.

Юртбошимиз И. А. Каримов шу йил май ойида Халқаро Валюта жамғармаси раҳбари М. Камдессюни қабул қилганида у йирик мутахассис сифатида республикамиз келажагига, сўмнинг истиқболига юқори баҳо бериб, шундай деди: »Республика раҳбарияти танлаган ислоҳотлар йўли ғоят тўғри йўлдир ва Узбекистон халқи ўтиш даври қийинчиликларини муваффақият билан енгиб ўтиб, XXI асрда ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олишига аминман. Ўз навбатида Халқаро Валюта жамғармаси бу йўлда Узбекистонга қўмак беришга тайёр». Шу сингари қўллаб ҳорижлик нуфузли мутахассисларнинг бундай фикр-мулоҳазалари Узбекистон ҳукумати ва Марказий банк иқтисодий ислоҳотлар йўлидан тўғри бораётганини яна бир бор намоён этди.

Шу кундаги энг муҳим масала — сўмни ички бозорда эркин айирбошланадиган валюталар қаторига қўшишни тўла таъминлаш. Бизнинг бу борадаги изланишларимиз шуни кўрсатадики, фақат олтин — валюта заҳиралари ҳамда халқаро ташкилотларнинг кредитларигагина таяниб, сўмнинг ички эркин айирбошланишига ва иқтисодий усишга эришиш қийин. Шунинг учун биз, авваламбор, импорт ўрнини босувчи тармоқларни қўлладик ва шу тариқа эркин айирбошланадиган валютага бўлган катта талабни камайтирдик.

— Ҳозирги кунда мамлакатимизда қиймматбаҳо қоғозлар бозорини ташкил этиш қай тарзда кечмоқда ва у пул муомаласига қандай таъсир кўрсатади?

— Иқтисодий тизимнинг самарали фаолиятини ривожланган молия тизимисиз тасаввур этиш қийин. Қиймматбаҳо қоғозлар бозори ҳамда бу бозорда фаолият кўрсатувчи воситалар ушбу молиявий тизимнинг таркибий ва ўта муҳим қисмларидир. Улар молия тизимини ривожлантиришда, ортиқча маблағларни инвесторлардан истеъмолчиларга тақсимлаш жараёнида муҳим ўрин тутади.

Жаҳон амалиётидан маълумки, қиймматбаҳо қоғозлар билан боғлиқ операциялар тижорат банклари фаолиятининг асосий қисмини ташкил этади. Тижорат банклари Узбекистонда ҳам молия тизимининг энг фаол ва энг профессионал иштирокчилари сифатида қиймматбаҳо қоғозлар бозорини ривожлантириш жараёнида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Чунончи, тижорат банклари республикадаги тўрт хил қиймматбаҳо қоғознинг уч хилини муомалага чиқарган. Булар 1 миллиард. 570 миллион. сўмлик миқдордаги акциялар, 13 млн. сўмлик депозит (жамғарма) сертификатлари ва 3 миллиард. 830 млн. сўмлик векселлардир. Бундан ташқари, «Узсаноатқурилишбанк», «Ипак йўли» ва «Турон» тижорат банкларининг ҳўқуқий шахсларга мўлжалланган депозит сертификатлари эмиссияси ҳам рўйхатга олинган. Яқин кунларда бу нг жадал ривожланиш босқичига кириб бормоқда. Шу йил 12 июнда Узбекистон Республикаси Президентининг «Давлат мулки бўлган корхоналарни акциялаштиришни жадаллаштириш ва қиймматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Бу Фармон ўз аҳамияти ва моҳияти жиҳатидан иқтисодиётни, умуман, жамиятни республикамизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг янги босқичига олиб чиқувчи муҳим ҳужжат ҳамда ушбу ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлиб қолади. У иқтисодиётдаги мулк шаклларининг кўпайишига ва бозор муносабатларининг асосий шарти бўлмиш рақобатчилик муносабатларининг мустаҳкамланишига олиб келади.

Акциялар бозорининг ривожланиши натижасида пулнинг айланиши тезлашади. Унинг қадрсизланиш жараёни ҳам секинлашади. Қиймматбаҳо қоғозлар бозорининг кенгайишига, инвесторлар ва аҳолининг вақтинчалик бўш пул маблағларидан самарали фойдаланишга, даромад олишнинг янги воситаларини яратишга, иқтисодиётнинг пул маблағларига эҳтиёжманд соҳаларини маблағ билан таъминлашга, энг муҳими эса муомладаги пул маблағларини қайта сармоялаш учун самарали ишлатишга имконият яратилади.

— Биласизми, баъзан жойларда пул йўқ, деган гап-сўзлар учрайди. Республикамизнинг айрим вилоят ва туманларидаги хўжаликлар деҳқонлари, корхоналар ишчи ва хизматчилари ойлик маошларини ололмаётганлигида кўпроқ ким айбдор, деб биласиз?

— Бу ҳозирги кунда энг долзарб масала. Зеро, молиявий барқарорликка эришишнинг энг асосий жиҳати — миллий валютамизнинг қувватини оширишдан иборат. Халқимизнинг фаровонлиги, ҳаётининг яхшиланиб бориши кўп жиҳатдан шу масаланинг қай даражада ҳал этилишига ҳам боғлиқ, десак ҳеч муболаға бўлмайди. Шу сабабли юртбошимиз Ислом Абдуганиевич Каримов шу йил 29 июлда Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисда бу масалага энг устивор йўналишлардан бири сифатида қарамоқ керак, деб бежиз таъкидламаган эдилар.

Шуни очиқ-ойдин айтишимиз лозимки, ҳали ҳам айрим вилоятларда эмиссия муаммосига етарли эътибор берилмаяпти. Аҳолига зарур маҳсулот ва хизматлар таклиф этилмаяпти. Бу эса аҳолининг қўлида бўлган нақд пулларнинг банкка ўз вақтида қайтиб келишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Энг ачинарлиси эса, бу айрим ҳолларда маош тўлашда қийинчиликлар юзага келишига сабаб бўлмоқда. Фуқароларда ҳам нега иш ҳақини ўз вақтида ололмаймиз, деган савол туғилиши табиий, албатта. Минг афсуски, бугунги кунда кўпгина корхоналаримизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ойлаб омборларда туриб қолиб, ўз харидорини топа олмаяпти. Натижада шу махсулотларни ишлаб чиқарган хизматчиларга иш ҳақини ўз вақтида тўлаш имкони бўлмаяпти. Бунинг учун корхона раҳбарияти жавобгар.

Қишлоқ хўжалигида ишлаётган айрим жамоа ва деҳқон хўжаликларининг ўз вақтида маош ололмаётганлиги масаласига келсак, бу ўринда мен оддий бир мисол билан тушунтириб бермоқчиман. Масалан, бирон-бир ширкат йил бўйи меҳнат қилиб, пахта ҳосилини етиштириб, уни кузда пахта тозалаш заводларига олдиндан ҳақини олмасдан туриб, топшириб юборади. Бу корхона ҳам мазкур маҳсулотни қайта ишлаганидан сўнг уни бирон бир корхонага тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун жўнатади. Бу эса ўз навбатида мазкур хўжалик ва корхоналар ўртасида ўзаро қарзларни юзага келтиради. Бу ҳол охир-оқибатда меҳнатчининг иш ҳақини ўз вақтида тўлай олмаслик муаммосини келтириб чиқаради. Эндиликда бу масаланинг ҳам ечими топилди. Чунончи, шундай муаммо мамлакатимиз ҳудудида «Ғаллабанк» ташкил этилгунга қадар мавжуд эди. Ҳозир эса бу борадаги муаммолар ечилиб, дон маҳсулотларини йиғиб-териб олиш учун мазкур хўжаликларга олдиндан бўнак берилди ва ҳукуматнинг махсус қарори билан кредит ажратилди. Юқорида айтиб ўтилган деҳқон хўжаликларининг муаммоси масаласига келганда эса, шуни айтиш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 27 июлдаги 294-қарорига мувофиқ ташкил этилган ихтисосолаштирилган акциядорлик-тижорат банки — «Пахтабанк» 1995 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш билан боғлиқ бўлган жараёнга олдиндан бўнак ажратди. Бу мазкур муаммонинг муайян даражада ҳал этилишига кўмаклашди.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 29 июлдаги мажлисида мамлакатимиз Президенти мазкур масалага алоҳида тўхталиб, бундай деган эди: «Одамларга ишлаб топилган ҳақини вақтида бермаслик адолатсизликдир. Бундай ҳолни ўзгартириш учун авваламбор раҳбарларнинг масъулиятини ва керак бўлса жавобгарлигини қатъий кўриш зарур, шунинг учун маошлар ўз вақтида берилмаётганига ким сабабчи, шуларни аниқлаб, ҳақиқий ҳолатни халққа етказиш даркор. Токи улар ҳукуматдан, банкдан беҳуда ранжиб юрмасин».

— Файзулла Мақсуджонович, бозор иқтисодиётга тақозоси билан тижорат банкларининг турлари кўпайиб бораяпти. Яқин орада банк тизимида яна қандай янгиликлар бўлиши кутилмоқда?

— Мамлакатимизда ривожланган банк тизимини барпо этиш иқтисодиётнинг ажралмас қисми. Бу соҳадаги асосий вазифа сўмнинг қадрини мустаҳкамлаб, республика банк тизимини ва мижозларга хизмат кўрсатиш даражасини халқаро андозаларга мослаштириш. Ана шу вазифани бажариш мақсадида ўтган йиллар мобайнида янги ихтисослаштирилган банклар ташкил этилишига кенг йўл очилди.

Шу ўринда муштарийларнинг эътиборини ҳозир мамлакатимиз ҳудудидаги айрим тижорат банклари бажараётган вазифаларга қаратмоқчиман. Жумладан, «Пахтабанк»ни ташкил этишдан кўзда тутилган асосий мақсад — юртимизнинг ифтихори бўлган пахтамизни етиштириш, қайта ишлаш ва жаҳон талабларига жавоб берадиган аъло сифатли маҳсулотлар тайёрлаб, уни четга экспорт қилиш билан боғлиқ жараёнларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш.

«Ғаллабанк»ни ташкил этишдан асосий мақсад — мамлакатимизнинг ғалла мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, деҳқонларимизнинг йил бўйи пешона тери билан етиштирган дон маҳсулотларини ўз вақтида етиштириб олиш, уни қайта ишлаш ва қолаверса, халқимиз учун зарур бўлган нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришга кўмаклашиш.

Худди, шунингдек, Халқ банки, «Савдогар банк», «Меваобзавотбанк», «Алоқабанк» ва ҳозир ишлаб турган бошқа тижорат банкларини ташкил этишдан кўзда тутилган мақсад ҳам мамлакатимиз халқ хўжалигида муҳим ўрин тутадиган тегишли тармоқларни ривожлантириш ва уларга кўмак бериш, банк тизимини янада ривожлантиришдан иборат.

Булардан ташқари, мамлакатимиз ҳудудида Голландия билан ҳамкорликда ташкил этилган «Приватбанк» ҳамда Туркия билан ҳамкорликда ташкил этилган «Утбанк» каби қўшма банклар ҳам мавжуд. Бундай банклар Узбекистон Республикасига хорижий сармояларни олиб келиш, энг муҳими, банклар ўртасидаги тенг шерикчилик қобилиятини, соғлом рақобатни кучайтиришга хизмат қилади. Сервис хизматини яхшилашга катта туртки бўлади. Банк хизмати кўрсатиш маданиятини оширишга ёрдамлашади.

Мамлакатимиз ҳудудида Германия, Франция, Швейцария сингари ривожланган хорижий давлатлардаги 6 та йирик банкнинг ваколатхоналари ҳам очилган. Мазкур ваколатхоналар Узбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар тўғрисида маълумотлар йиғиш, таҳлил этиш ва ахборот тайёрлаш билан шуғулланади. Ана шу ах

Таълим ва ислоҳот

ЁШЛИКДА ЎРГАНИНГ ҲУНАР!

Урганч енгил саноат лицейи фаолиятига бир назар

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 29 июлдаги «Бозор ислоҳотлари талабларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ ёшлари касб-ҳунар таълимининг йўналишини ўзгартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳунар-техника таълимини такомиллаштириш, ҳунар-техника билим юртларини замонавий, бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш бўйича ҳукуматимиз ғамхўрлигининг ёрқин намунаси бўлди. Эндиликда барча билим юртлари ўз фаолиятини ана шу қарордан келиб чиққан ҳолда қишлоқда хусусий секторни ривожлантириш, қишлоқ ёшларини фаол тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш ва рағбатлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ижтимоий муҳофаза қилишга оид вазифаларни амалга ошириш ва уларни бозор иқтисодиёти шароитларида зарур касб-ҳунар ва мутахассисликларни эгаллашларига қаратмоқда. Бу борада Хоразм вилоятида қандай ишлар қилинмоқда?

***

— 1994—95 ўқув йилида ҳунар-техника таълими тизимида кўпгина ижобий ишлар амалга оширилди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи М. Жуманиёзов, — вилоятда 3 та техник лицей, 2 та халқ миллий ҳунармандчилик лицейлари ташкил қилинди. Ҳозирги кунда мавжуд 35 та билим юртида

СУРАТДА: лицей тикувчилик ишлаб чиқариш цехи устаси М. Рўзметова иш устида.

халқимизнинг 16 минг 339 нафар фарзанди 88 та касб бўйича ҳунар сирларини эгалламоқдалар. Билим юртларида тайёрланаётган мутахассислар вилоятдаги 102 та жамоа хўжалиги, 206 та давлат секторидаги корхоналар ва ҳар хил мулк шаклидаги 94 та кичик корхоналарга ишга юборилмоқда.

Дарҳақиқат, бошқарма бошлиғи айтганидек, ўтган ўқув йилида вилоят халқ хўжалигининг ишчи кадрларга бўлган эҳтиёжи ўрганилиб, зарур бўлмаган 13 та қишлоқ хўжалик касби бўйича кадрлар тайёрлаш тўхтатилди. Улар ўрнига енгил саноат, қайта ишлаш, халқ миллий ҳунармандчилик ва маиший хизмат соҳаларига янгидан 25 та касб бўйича кадрлар тайёрлашга киришилди. Бу соҳада Хива қишлоқ хўжалик, Шовот қурилиш ва миллий ҳунармандчилик лицейида, Янгиариқдаги 32-сон, Урганч шаҳридаги 3-сон билим юртларида, Урганч туман енгил саноат лицейида ибратли ишлар қилинмоқда.

БИРИНЧИ ҚАДАМЛАР

Урганч туманини шаҳар маркази билан боғлаб турган катта магистраль йўлнинг ўнг томонида деҳқон бозори дарвозасининг нақ рўпарасида атрофи кўкаламзор тўрт қаватли шинам бино бор. Бу Урганч енгил саноат лицейидир. Лицей вилоятнинг ҳозирги замонавий касб-ҳунарларни ўргатувчи намунали масканларидан. У 1983 йилда ҳунар-техника билим юрти сифатида ташкил этилган эди. Дастлаб бу жойда бир-икки хил касбни ўргатишган бўлса, ҳозирда республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, билим юрти директори Бибижон Мираҳмедовна ташаббуси туфайли ўқув даргоҳининг чиройи очилиб, қамрови кенгайиб борди, ундаги ихтисосликлар сони янада кўпайди. Илм маскани 1993 йилда лицейга айлантирилди.

Билим юрти жамоаси кейинги икки йил давомида ўндан ортиқ касб-ҳунар бўйича база ташкилотлари бўлмиш «Хоразмипак» ҳиссадорлик жамияти, вилоят тикувчилик ишлаб чиқариш «Феруз» ҳиссадорлик жамияти, пойабзалчилик ишлаб чиқариш бирлашмасига олдиндан тузилган шартномалар асосида зарур касб эгалари, яъни тикувчилар, пойабзалчилар, тўқувчилар, шунингдек шаҳар ва туман овқатланиш ва матлубот ташкилотларига сотувчи, қандолатчи, ошпазлар, ҳисобчилар ва бошқа касб эгаларини тайёрлаб беряпти.

Ўқув даргоҳида еттита устахона, 25 та махсус фан кабинетлари, 12 та умумтаълим кабинетлари жиҳозланди. Янги асбоб-ускуналар, кўргазмали қуроллар билан бойитилди. Натижада яратилган ўқув моддий базасидан унумли фойдаланиб ўқув-тарбия ишларини яхшилашга замин ҳозирланди. Айниқса, ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталаридан Д. Пўлатова, Г. Оллоёрова, Р. Рўзимова, М. Болтаева, Қ. Раҳимов, М. Рўзметова ва бошқа мураббийлар дарсларни ва амалий машғулотларни юқори савияда ўтказиб илм толибларига пухта билим бермоқдалар, ҳунар ўргатмоқдалар.

ДИРЕКТОР НИМА ДЕЙДИ?

— Бир вақтлари ҳунар-техника билим юртларига ўқувчилар қабул қилиш жуда ҳам оғир муаммолар-

СУРАТДА: лицей директори Бибижон МИРАҲМЕДОВА.

дан эди. У даврларда мактабларнинг аста-секинлик билан ҳаётимизга кириб келиши натижасида халқ хўжалигининг турли соҳаларида — қишлоқ хўжалиги, саноат, маданий-маиший хизмат соҳаларида фаолият кўрсатадиган турли янги касб эгаларига талаб кучайди. Ҳаётимиз кўплаб тадбиркорлар, ишбилармонлар, бизнес хизматчиларини тайёрлаш лозимлигини тақозо қилиб қолди. Бу талабни, бу жараённи халқ тушунди. Кўпчилик ота-оналар фарзандларини ана шу тармоқларда ишлашлари учун ҳаракат қилиб, уларни касб-ҳунар билим юртларида, лицейларда ўқишларини маъқул кўриб қолдилар. Бир мисол: бу йил давомида лицейимизда ўқишни кўнгилга тугиб 750 га яқин ўғил-қиз ҳужжат топширишган бўлиб, шуларнинг 506 нафарини элакдан ўтказиб, саралаб (тест синовлари орқали) мактабимизга қабул қилдик. Бу биринчи омил.

Иккинчиси, лицейда ёшларнинг пухта билим олишлари, яхши яшашлари ва кўнгилли дам олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган фан кабинетлари, ўқув хоналари ва устахоналар, ўқув-кутубхона зали, 300 ўринли ётоқхона, 200 ўринли ошхона, спорт зали ўқувчи-ёшлар ихтиёрида. Бундан ташқари, малакали ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими усталари талабаларга фанлардан пухта сабоқ бериб, уларни касб-ҳунар сирларидан бохабар қилмоқдалар. Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, ёшлар, айниқса хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида тадбиркорлик билан иш юритиб, анча йиллардан буён фойдаланилмай ётган устахона биносини таъмирлаб, унга зарур бўлган асбоб-ускуналар ўрнатиб бир неча касблар (тикувчилик, пойабзалчилик, тўқувчилик) бўйича ишлаб чиқариш цехларини ташкил қилдик. Бу цехларда гилам ва полослар, болалар кийимлари ва иссиқ пайпоқлар тўқиляпти. Болалар, катталар ва аёллар кийимлари, чойшаблар, кўрпача ва тўшаклар, турли хил қишки ва ёзги кийимлари ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, бу даргоҳда қандолатчилик цехи ҳам фаолият кўрсатяпти.

МУХБИР ШАРҲИ:

Билим юрти ўз ёрдамчи хўжаликларига эга бўлиб, унда 10 бош қорамол, 500 товуқ, икки қути асалари асралмоқда. Тўрт гектар майдонга шоли, 20 гектар ерга пахта, 10 гектарлик далага полиз ва сабзавот экинлари экилган. Мана икки йилдирки, бу ерда пилла боқиш иши ҳам йўлга қўйилган. Ёрдамчи хўжаликда ўқув маскани инженер-мураббийларидан ташқари қирққа яқин киши иш билан таъминланган. Ҳисоб-китобларга кўра бу йил охирига бориб ишлаб чиқаришдан саккиз юз минг сўм даромад олиш мўлжалланяпти. Бу ишчи-хизматчиларни бозордан кўра арзонроқ нархда гўшт, сут, асал, гуруч ва кийим-кечаклар билан таъминлаш имкониятини беради дегани. Бундан ташқари, ишлаб чиқаришдан келган фойда ҳисобига тўй-байрамларда ёки бошқа баҳоналар билан кам даромадли оилаларга моддий ёрдам уюштирилади. Яхши ва аъло ўқийдиган ўқувчилар, ўрнак бўлган ўқитувчи-хизматчилар моддий жиҳатдан рағбатлантирилади. Ўқувчилар ошхонаси арзон маҳсулотлар билан таъминланади. Ҳар йили маълум миқдордаги пул хайрия жамғармаларига ўтказилади.

МУРАББИЙЛИК — ШАРАФЛИ КАСБ

Гулсара ОЛЛОЁРОВА, қандолатчилик цехи ишлаб чиқариш устаси

Вилоятимизнинг Қўшкўпир туманидаги Туркманистон билан чегарадош Оқдарбанд қишлоғида туғилганман.

Ёшлигимдан бирон-бир ҳунар ўрганишни орзу қилардим. Бу интилиш мени Марғилон енгил саноати техникумига етаклади. Уни битказиб, иш фаолиятимни Хоразм ипак йигирув фабрикасининг ипакчилик цехида мастерликдан бошладим. Икки йил ўтиб-ўтмай мени Урганчдаги 22-сон ҳунар-техника билим юртига ипак йигирув устаси вазифасига тавсия этишди. Бордим. «Йигитга етмиш ҳунар ҳам оз» деган мақол бор. Бироқ ҳозирги кунда бу мақолни хотин-қизларга ҳам татбиқ қилса хато бўлмас. Шунинг учун икки қўлга битта ҳунар озлик қилади, дедиму иш жараёнида Янгийўл озиқ-овқат техникумини сиртдан битказдим. Ўйлаганимдай бўлди: бахтимга шу даврга келиб билим юртларига мен ўрганган касб бўйича уста кадрлар зарур бўлиб қолди. Мана, етти йилдирки ўқувчиларга ошпазлик, ошпаз-қандолатчилик ҳунарини ўргатяпман.

ҲУНАРЛИ ҲУРМАТДА

Юсуфбой БОЛТАЕВ, Хоразмипак ҳиссадорлик жамиятида устаси

Худди юқорида айтилганидек ёшлар ҳали ҳунар мактабларининг қадрига унчалик етмай юрган пайтларида, яъни 1984 йилда Урганчдаги 39-ҳунар-техника билим юртига ўқишга кириб, уни аъло баҳоларга тамомлаб тўқувчилик касби бўйича мутахассисликни эгалладим. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг тўқувчилик ва трикотаж факультетига ўқишга кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширишимда билим юртида олган сабоқларим асқотиб қолди. Институтни тамомлагач, тўғри Хоразмипак ҳиссадорлик жамиятига дастлаб оддий ишчи бўлиб кирдим. Билим юртида ўрганган ҳунарларим яна менга яқин йўлдошим бўлди. Шу туфайли бўлса керак, бир йил ўтиб-ўтмай менга фабрикани тукли матолар (помбархит) тўқув цехида усталик лавозимини ишониб топширишди. Демоқчиманки, тўғри йўл топишимда, касб танлашда биринчи қадам бўлган жонажон билим юртимни, у ердаги қадрдон мураббийларни ҳеч қачон унутмайман. Худога шукур, эл олдида, жамоада ҳурматим жойида. «Ҳунарли ҳурматда», дегани шу бўлса керак.

СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИДА:

Урганч енгил саноат лицейи жамоаси ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида ўқувчилар ўртасида тарбиявий ишларни яхшилаш, уларнинг ўқишдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, ёшларни қизиқтирадиган тадбирлар уюштириб, тўгарак, спорт секциялари ишларини яхшилаш бўйича қатор ишларни амалга оширмоқдаларки, булар ҳақда кейинроқ батафсил ёзармиз.

Хуллас, билим юртида жипслашган, аҳил жамоа шаклланган бўлиб, жамоа ўз олдига қандай вазифалар, мушкул муаммолар қўйилишидан қатъи назар, уларни муваффақиятли уддалашга эришмоқда.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Бозор билан юзма-юз

«БОЙҚОЗОН»НИНГ ҚОЗОНИ МОЙГА ТЎЛСИН

«Бойқозон» жамоа хўжалигининг аввалги номи «Коммуна» эди. Кейинчалик унга қишлоқнинг номини беришди. Афтидан, жамоанинг қозони мўл-кўл, бой бўлсин деб, шундай аташган. Зотан халқимиз ҳамиша эзгу ният, бир дунё орзуни қўнглига тугиб юради. Шундай орзу «Бойқозон» жамоа хўжалиги раҳбарларида ҳам йўқ эмасди. Раисликка янги сайланган Тоҳир Холтоев ҳали ёш бўлса-да, агроном сифатида хўжаликка анча меҳнати сингган. Одамларни эъзозлашни, ерни сийлашни тажрибали раҳбарлардан кам билмасди.

— Хўжаликни жамоа усулида бошқаришда кўпроқ эгасизлик ҳукм суряпти, — деди у деҳқонларнинг умумий йиғилишида. — Агар косамиз оқарсин, қозонимиз мойга тўлсин десангиз, хусусийлаштириш йўлидан борайлик. Меҳнатимиз зое кетмаслигига мен кафил.

Залда жонланиш пайдо бўлди. Кимдир уни қувватлади, кимдир қарши чиқди ва кимлардир сукут сақлади. Қарши чиққанлар мазкур тизимга ўтиш учун ҳали вақт етмаганлигини рўкач қилишди. Кейинроқ маълум бўлишича, сукут қилганлар эса хўжалик юритишнинг янгича усулидан яхши хабардор эмас эканлар. Шундай қилиб, фаоллар, ХДП аъзолари жамоа аҳли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бордилар. Шу жараёнда, одамлар кўзи ўнгида амалий қадамлар ҳам ташланди. Дастлабкиси, бошқарув тизимидаги ходимлар сони 60 кишидан 8 нафарга келтирилди. Боғбонларга 15 йил муддатга ер ижарага берилди. Т. Холтоев Ўрта Чирчиқ туманидаги Ким Пен Хва номли халқ корпорацияси тажрибасини ўрганиб қайтгач, соҳалар беш уюшмага бўлиб берилди. Яъни, баъзи уюшма ишлаб чиқариш билан, баъзилари эса хизмат кўрсатиш билан банд бўлишади. Хўжалик халқ корпорациясига айлантирилгач эса, ишлар кўлами янада кенгайиб кетди. Хусусан, ғаллазорларга ғаллакорлар, боғларга боғбонлар, картошка майдонларига картошкакорлар эгалик қила бошлашди. Шундан кейингина ерга хўжайинлик, яъни эркин ҳаракат ҳисси, гектар унумдорлиги, чорва маҳсулдорлиги орта борди. Масалан, ўтган йили жами 850 тонна узум узилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич қарийб минг тоннага етди. Доннинг ҳар гектар ердан олинадиган ҳосили 34 центнердан 40 центнерга етди. Айрим бригадаларда эса 55 центнерлик марра ҳам ортда қолдирилди. Давлатга чорвачилик маҳсулотлари сотиш, дағал хашак ўриш тўққиз ойлик режаси ортиғи билан бажарилди. Сабзавот маҳсулотлари режаси эса энг қисқа — ўн кун муддат ичида уддаланди. Нима учун шундай бўлди?

— Чунки деҳқонларимиз пировард натижадан қандай манфаат кўришларини чуқур ҳис қила бошладилар, — дейди халқ корпорацияси президенти ўринбосари ва айни пайтда уюшмалардан бирининг бошлиғи Баҳодир Мирашуров. — Аввалги йиллар хашак ўрими ёки сенаж бостириш камида бир ой давом этарди. Бу йил эса иккала тадбир учун бор-йўғи ўн кунлик вақт кифоя қилди, холос. Вақтдан, техника ва ёнилғидан анча тежалғани сабабли соф даромад ҳажми кўпаймоқда. Шахсий манфаатдорлик устун бўлган жойда эса ишлар юришиб кетишини тажриба кўрсатиб турибди.

Қисқа қилиб айтганда, корпорацияда бу йилги якунлар анча кутаринки бўлишига шубҳа йўқ. Деҳқонларнинг ижтимоий ҳимояси, кам таъминланган кексалар, оилаларга ёрдам масалалари билан ҳам жиддий шуғулланилмоқда. Бироқ муаммолар ҳам йўқ эмас. Булар маҳсулотларни шартнома бўйича сотиш билан боғлиқдир. Масалан, «Чирчиқсавдо» эртаки картошкадан 60 тоннасини олиб кетиши керак эди. Афсуски, ҳозиргача улардан дарак йўқ. Айниқса, Тошкент шаҳридаги 2- ва 3-сабзавот сақлаш комбинатлари шартнома шартларига мутлақо риоя қилмаяптилар. Пойтахтдаги Яккасарой тумани мутасаддилари ҳам 150 тонна эртаки картошка ҳамда 160 тонна сабзавотларни олиб кетмадилар. Натижада не-не машаққатлар эвазига етиштирилган маҳсулотлар нобудгарчилигига йўл қўйилди.

Хуллас, корпорация ишчи-деҳқонлари йилни муваффақиятли якунлаш мақсадида бор имкониятлардан фойдаланмоқдалар. Келгуси йил ҳосили мўл бўлиши учун пухта тайёргарлик кўраётирлар. Ўйлаймизки, «Бойқозон»нинг қозони мойга тўлишига оз вақт қолди.

Абдунаби МАННОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Бодомзор B bodomzor

НОВОГОДНИЕ ПОДАРКИ!

АО "Бодомзор" принимает заявки от предприятий, организаций и всех заинтересованных лиц

Разместив заявку, вы тем самым избавитесь от хлопот на новогодний вечер, доставив детям огромную радость и безграничное удовольствие.
Подарки изготовлены в добрых традициях и в лучших кондитерских фабриках мира

ВЫСОКОЕ КАЧЕСТВО, НИЗКИЕ ЦЕНЫ, ОТЛИЧНЫЙ ДИЗАЙН

Каждый 40-й подарок — бесплатный!

Наши специалисты доставят вам образцы по заявкам. Доставка образцов производится бесплатно. Форма оплаты-любая!

©"BVV"

МЫ ЖДЕМ ВАС!

Звоните нам по телефонам: (3712) 63-73-96, 63-99-62, 60-05-74
Наш адрес: 700140, Ташкент, ул. Д. Абидовой, 260. Ориентир-институт САМПИ

ШИФОХОНАЛАР, ХУСУСИЙ ДОРИХОНАЛАР ВА БАРЧА АҲОЛИ ДИККАТИГА!

"АБУ АЛИ ИБН СИНО ВА ТАБОБАТ" фирмаси СИЗЛАРГА ТУРЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИ ДАВОЛАШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН 300 ДАН ОРТИҚ ДОРИ-ДАРМОНЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

АГАР СИЗГА ОШҚОЗОН-ИЧАК, ТЕРИ-ТАНОСИЛ, ЮРАК, ҚОН-ТОМИР, ЖИГАР, БУЙРАК, АСТМА ВА АСАБ ХАСТАЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШДА ҚЎЛ КЕЛАДИГАН ДОРИ-ДАРМОНЛАР ЗАРУР БЎЛСА ФИРМАМИЗГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ!
ФИРМАМИЗГА ДУНЁНИНГ БАРЧА ҚИТЪАЛАРИДАН ТУРЛИ ДОРИ-ДАРМОНЛАР КЕЛТИРИЛМОҚДА.



Сиз фирмамиздан *"Термед"* (Германия), *"Стерлинг Хелс"* (Буюк Британия), *"КРКА"* (Словения), *"Берингер Ингельхайм"* (Австрия), *"ЦИЭХ Польфа"* (Польша), *"Эссекс Кеми АГ"- "Шеринг Плау"* (АҚШ), *"W Robertson Co LTD"* (АҚШ), *"Гедеон Рихтер"* (Венгрия), Россия, Украина каби жаҳондаги энг йирик фармацевтика ишлаб чиқариш фирмаларида тайёрланган дори-дармонларни, шунингдек, ошқозон-ичак яраларига шифо ато этувчи *"Зантак"*ни, қаттиқ оғриқни қолдирувчи *"Сольфадеин"*ни харид қилишингиз мумкин.

ШОШИЛИНГ, СИЗГА ЗАРУР БЎЛГАН ДОРИ-ДАРМОНЛАР, МАЛҲАМЛАР ФИРМАДА ИСТАГАНЧА ТОПИЛАДИ. УЛАР ҲАМ АРЗОН, ҲАМ СИФАТЛИ.

Фирма сотувдаги барча дори-дармонлар сифатини ва таъсир кучини кафолатлайди. Савдо-сотик пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Фирма манзили:
Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Себзор даҳаси, 1-а уй (метронинг "Ғафур Ғулом" бекати).
Телефонлар: 44-24-34, 40-44-83, 40-48-06.
Факс: 40-48-53.

КЕЛИНГ ВА КЎРИНГ: СИЗГА МАНЗУР БЎЛАДИ!

Ирландия обакилари, Испаниянинг жаҳонга машҳур "Дульсиора" фирмаси желе ва мармеладлари, шунингдек, Англиянинг "Старион" фирмасининг эллиқдан ортиқ хилдаги парфюмерияси.

Илк бор! Улгуржи ва чакана савдо, ҳисоб-китоб:
нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан, сотиш учун ҳам берилади.

Шошилинг! Ҳаммага ҳам етмайди.

Бизнинг манзил:
Тошкент, Лутфий кўчаси, 94-уй.
Улгуржи савдо — тел. 78-23-44.
Чакана савдо — тел. 78-97-43.

"ҲАЁТ БЎЛГАН ЖОЙДА — УМИД БОР! "ТИМ" БЎЛГАН ЖОЙДА — ОМАД БОР!"

"ГУЖУМ"
ЎЗБЕКИСТОН—БЕЛАРУСЬ ҚУШМА КОРХОНАСИ

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари: *гуруч, пиёз, саримсоқ пиёз, олма, болгар қалампири* ва бошқа неъматларни бартер асосида
СОТИБ ОЛАДИ
ва шартнома тузган мижозларга
БЕЛАРУСДАН
қишлоқ хўжалик тракторлари ва эҳтиёт қисмлари, ҳар хил қоплар, холодильниклар, телевизорлар, радио-техника буюмлари, турли русумдаги *"МАЗ"* юк машиналари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, сара конфетлар, ноёб дори-дармонлар, картон қоғозларни
ЕТКАЗИБ БЕРАДИ.

Манзилимиз: Тошкент ш., Ойбек кўчаси, 45-уй.
Телефон: 56-39-54.

"ТУРОН" ОСИЁ ТЕХНИКА КОМПАНИЯСИ



70 фоизи АҚШдаги конвейердан!
"Konica U-BIX"
нусха олиш техникаси Тошкентдаги омбордан сотилади.
Кафолат - бир йил.
Шунингдек, сарфланувчи материаллар ва эҳтиёт қисмлар етказиб берилади. Исталган русумдаги нусха олиш техникасини тузатиш ва техник хизмат кўрсатиш учун бир йилга шартномалар тузилади.
Биз Сизнинг муаммоларингизни биламиз ва уларни ҳал қилишда кўмаклашамиз.
Телефонлар: (3712) 44-59-55, 40-31-82.
Телефон/факс: (3712) 44-55-12.

ҲАК-ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

САВОЛ: Ҳозирги кунда транспорт воситаларини олиб қочишга қандай жазо бор?

Ҳасан ИБРОҲИМОВ, Самарқанд шаҳри.

ЖАВОБ: 1995 йил 1 апрелидан кучга кирган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 267-моддасига биноан автомашиналари, яъни транспорт воситаларини олиб қочиш ўта хавфли рецидивист томонидан ёки уюшган гуруҳ томонидан қилинган бўлса ёки зўрлик ишлатиб, қурқитиб содир қилинган бўлса 10 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиниб, мол-мулки мусодара қилинади.

***

САВОЛ: Мен мактабда 26 йилдан бери ўқитувчилик қиламан. Пенсияга чиқишим мумкинми?

М.ҲАБИБУЛЛАЕВ, Сурхондарё вилояти.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасининг Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунида ўқитувчилар ва бошқа маориф ходимлари 25 йиллик маҳсус иш стажига эга бўлса умумий шартларда белгиланадиган пенсия ёшидан беш йил илгари имтиёзли пенсияга чиқишлари мумкин.

***

САВОЛ: Менга анча вақтдан бери бир нарса қизиқтиради. Биз яшаб турган «дом»лар олдида кўпинча шахсий автомашиналар эгалари йўловчилар учун ажратилган йўлакчалардан автомашинада ўтиб кетадилар.

Буларга нисбатан жазо борми?

Умид ЗОКИРОВ, Тошкент шаҳри.

ЖАВОБ: Бу Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 128-моддасида белгиланган. Шунга кўра сиз айттан қонунбузарларга энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида, агар ундан кейинги бир йил давомида 3 марта ана шундай жарима белгиланиб яна такрорласа унга нисбатан уч энг кам иш ҳақи миқдоригача жарима белгиланиши керак.

Забиҳилло МУҲАММАДЖОНОВ, ҳуқуқшунос.

Спорт

«СЎҒДИЁНА—95»

• ТОШКЕНТ. (мухбиримиздан). **Шу йилнинг октябрь ойи охирларида Ўзбекистон йўллари бўйлаб «Сўғдиёна—95» халқаро автораллиси бўлиб ўтади.**

Бу йилги саккизинчи марта ўтказиладиган анъанавий нуфузли мусобақада Ўзбекистон, Россия, Белорусь, Қозоғистон, Украина, Туркманистон ва Қирғизистон спортчилари қатнашадилар.

Мусобақалар икки даврада ўтади. Биринчиси, 28 октябрь куни пойтахтдан бошланади. Пойга Майск, Маданият посёлкалари, Чирчиқ шаҳри, Бурчмулла, Сижжак, Бўстон, Нанай аҳоли пунктларидан ўтади ва «Чимён» сайёҳлик мажмуасида якунланади. Эртасига шу ердан мусобақанинг иккинчи давраси бошланади. Автопойгачилар яна мураккаб йўналишдаги баҳсни такрорлайдилар. Трассанинг умумий майдони 400 километр, шунинг учдан бири асфальтли йўл. Ғолибларни қимматбаҳо совғалар кутмоқда.

Алишер РЎЗИЕВ.

Шатранж оламида

РУСТАМДАН УМИДИМИЗ КАТТА

Айни кунларда Германия Федератив Республикасининг Галле шаҳрида 20 ёшгача бўлган ўсмирлар ва қизлар ўртасида жаҳон биринчилигининг ўтказилиши учун мусобақалар ўтмоқда. Ўсмирлар турнирида Рустам Қосимжонов, қизлар турнирида эса Анжела Хегай республикамиз спорт шарафини ҳимоя қилмоқдалар. Иккаласи ҳам спорт устаси. 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ўтказилган ўтган йилги жаҳон биринчилигининг бронза медали совриндори ва шу ёшдаги ўсмирлар ўртасида Осиё қитъаси чемпиони Рустам Қосимжонов йилдан-йилга эмас, балки кундан-кунга маҳорати ошиб, тиниқлашиб бораётганлигига мухлислар гувоҳ. Унинг тимсолида бўлғуси гроссмейстерни кўрмоқдалар. Бинобарин, унинг Галледан шунга муносиб ўрин билан қайтиб келишидан умидвормиз.

НИШОНДА — СИНГАПУР

Яқинда Сингапурдан таклифнома олдик. Унда айтилишича, шу йил ноябрь ойининг ўрталарида қитъанинг тобора ривожланиб бораётган бу мамлакатида эркаклар ўртасида навбатдаги, аёллар ўртасида биринчи Осиё чемпионати ўтади. Терма жамоалар таркиби ҳам кўрсатилган. Шу муносабат билан яқинда республика Шахмат федерациясининг мажлиси бўлиб, унда шу масала ҳам кўриб чиқилди. Эркаклар терма жамоаси тўртта халқаро гроссмейстердан иборат бўлиб, халқаро мастер Р. Қаюмов тренер ҳамда заҳирадаги уйинчи, аёллар терма жамоаси эса ФИДЕ мастери И. Қаюмова тренер ҳамда заҳирадаги уйинчи этиб тайинланди. Низомга кўра, ғолиб чиққан жаҳон биринчилигига йўлланма олади. Вакилларимиз имкониятларини ҳамма жиҳатдан таҳлил қилар эканмиз, бундан икки йил олдин худди шундай мусобақадан кумуш медаль билан қайтган шахматчиларимиз бу сафар олтин медаллар учун бемалол жанг қила оладилар, деган фикрдамиз.

Мамажон МУҲИДДИНОВ.

Ўзбекистон Фанлар академияси Биохимия институти жамоаси институт илмий котибаси, биология фанлари номзоди С. Н. Долимовага онаси

Инобат ая ДОЛИМОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«МУЛОҚОТ» САҲИФАЛАРИДА

«Мулоқот» журналининг 9-10 сони босмадан чиқди. У «Муҳаррир минбари» рукни остидаги «Энг юксак синов» сарлавҳали мухтасар бош мақола билан очилади. Унда бозор иқтисодига ўтиш даврида одамлар руҳиятидаги ўзгаришлар, мустақиллик қадри, Ватан ва озодликнинг буюк неъмат эканлиги ҳақида фикр юритилади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби тўрт йиллик мустақиллик шароитида республикамизда амалга оширилган ишлар, ислоҳот соҳасидаги ютуқларга назарий ва амалий хулоса сифатида юзага келди. Академик Иброҳим Искандаровнинг «Ҳаёт билан ҳамнафас тадқиқот», фалсафа фанлари доктори, профессор Абдулҳафиз Жалоловнинг «Тақдириломон ислоҳотлар фалсафаси» мақолаларида Президентимиз Ислом Каримов китоби ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинади. Унда илгари сурилган назарий фикрларнинг асосли ва теран пойдеворга эгалиги, муаммоларни ҳал қилишдаги чуқур мулоҳазалар, келажакка комил ишонч ва ўткир нигоҳ билан қараш, фалсафий хулосаларнинг дадиллиги алоҳида таъкидланади.

Машҳур шоир ва ёзувчиларимиздан Ҳамид Ғулом, Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимовнинг мустақилликка, Ватанга бағишланган дил изҳорлари шеър ва мақолалари эълон қилинган.

—«Туркистон — умумий уйимиз» рукни остида Мирмуҳсиннинг «Ота юртим буюк Туркистон», Азиз Қаюмовнинг «Эл шод, мамлакат обод бўлсин», Азиз Тўраевнинг «Бир оила фарзандларимиз», Ҳайдар Бобобековнинг «Турон тарихини яратайлик» каби мақола ва шеърлар берилган.

Журнал ўқувчилар меҳрини қозонган ўз анъаналарини давом эттирган. Бу сонда ҳам фикрлар хилма-хиллигига кенг ўрин берилган. А.Эшонқуловнинг «Биз қандай жамият қурямиз», Н.Хўжаев, О.Отаулаевнинг «Бандлик муаммолари», Р.Бозоровнинг «Қишлоқда ислоҳот одимлари» мақолаларида бугунги кун муаммолари ва уларни ҳал қилиш усуллари ҳақида фикр юритилса, Ҳамид Зиёевнинг «Амир Темур давлатининг мафкураси», А. Абдураҳмоновнинг «Билгамиш ҳоқон», Ё.Исҳоқовнинг «Комил инсон орзуси» мақолаларида узоқ ўтмиш тарихимиз, буюк аждодларимизнинг мардлик, жасорат ва донишмандлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Ғулом Ғофуровнинг «Бешиклан бошланур умр» мақоласида миллий удумларимиздан бири бешик, унинг хосиятлари ҳақида меҳр ва ғурур билан ҳикоя қилинади. Бешикнинг фойдали жиҳатлари тадқиқ этилади. Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Б.Валиҳўжаев «Ойбек ва адабий мерос» мақоласида Ойбек домланинг адабий танқидий мақолалари хусусида фикр юритади, унинг олим сифатида нигоҳи ўткир, холис ва донишмандлигини мамнуният билан таъкидлайди.

Бундан ташқари, журналхонлар Фахриддин Али Сафийнинг мутасаввуфлар ҳаёти, амаллари ва кароматлари ҳақидаги «Рашаҳот айнул ҳаёт» асари давомини, «Мулоқот» дафинаси рукнида берилган қизиқарли ҳаётий ҳодисалар билан танишадилар.

Муҳаррир минбари

ЭНГ ЮКСАК СИНОВ

Ижод аҳли учун беозор чертмак мушт каби таъсир қилади, негаки, бу тоифа кишиларнинг азал-азалдан кўнгли нозик бўлиб, улар яхши сўз, яхши муҳит, яхши кайфият ва бу неъматларнинг маҳсули сифатида илҳом деган инжиқ туйғу гадоси бўлиб келганлари сир эмас. Камина ҳам юқори идорада ўн йил атрофида ҳормай-толмай, тарафкашлик ёки гуруҳбозлик қилмай, нафс ёки шуҳратга берилмай, ҳалол ва холис меҳнат қилиб охирида ноҳақ туҳматларга учраганда ва айниқса бесабабдан бесабаб ҳаётимнинг асосий мазмунини ташкил этган ёзувчилик фаолиятимга қора чизиқ тортилганда кўнглим сезиларли лат еган эди. Ушанда тасалли ўрнида юқори қаватда жойлашган хонадонимизни кўкаламзорлаштиришга киришган эдик. Шу мақсадда номлари ғаройиб ўсимликлардан эқдик, уларни парвариш қилдик ва қисқа вақт ичида сўлим сунъий чорбоғча ҳосил бўлди. Туташ хоналарга мўътадил ҳаво ёниб кондинционер деган асбобга ҳожат йўқолди, чунки қуюқ ўсимликлар ёзда иссиқни, қишда совуқни, ҳатто кўча-кўй товушларини, чангларни ҳам қайтарар экан. Ушанда шундай ажойиб манзарага бирор жонзод камлик қилаётгандай туюлиб зигирдеккина бир жуфт қушча боққан эдик. Билмадим, кимга қандай, лекин тутқун жонзод манзараси жуда оғир бўлар экан. Қуш деган нарса ёруғликка интилиб ўзини деразага ураверар экан. Ҳеч бўлмагандан кейин биз уларни ҳовлига, жуда кенг симтўр хонага элтиб қўйдик. Улар бирмунча вақт яхши юришди, беш-ўнта тухум ҳам қўйишди, лекин барибир пайт пойлаб учиб кетишди. Биз аввалига нима ейишади деб, кейин қиш киргач совуқда нима қилишади деб бечораларни эслаб анча вақтгача хавотирланиб юрдик, лекин бу бемаза тажрибадан қолган аччиқ сабоқ бутун умрга эсда қолди.

Собиқ СССРни ҳам асосли равишда қафасга ўхшатишади. Ҳеч муболағасиз биз чинакам қафасдан қутулиб чинакам озодликка чиқдик. Жангу жадалларни бўйнига олган кишиларгина озодликка муносибдир деб ёзган эди ўтган асрнинг буюк алломаларидан бири. Дарҳақиқат, инсоният ўзининг йигирма асрлик тарихи давомида кўп ўзгарди, ўз тусини, турмуш тарзини, ҳатто атроф-муҳитни такомилга етказди, лекин ўз феълини сира тузата олмади. Кучлининг кучсизга зўравонлиги, тажовузлари ўзининг ибтидоий ҳолатида давом этиб келмоқда. Собиқ тузум билан рақобат қилган давлатларнинг адоватлари, ундан озор кўрган миллатларнинг гина-кудуратлари, жаҳон аҳлининг кўп ҳолларда ўринли шубҳа-гумонлари бизларга мерос бўлиб ўтиб, дард устига чипқон бўлиб, вазиятни фақат оғирлаштирди. Ана шундай шафқатсиз, мавҳум муҳитда биз ўз йўлимизни топа билдик ва дастлабки эҳ мураккаб, ва энг масъул қадамларни қонсиз, қурбонсиз таянчсиз ўз оёғимиз ва уқувимиз билан қўя олдикки, бу қисқа — атиги тўрт йиллик мустақил даврда биз эришган энг олий ютуқ, биз ўтган энг юксак синовдир.

Ватан остонадан бошлангани каби озодлик ҳам ҳар кишининг изму ихтиёридан яралади. Озодлик тушунчасининг ўзи ҳам ҳар кимнинг ўз-ўзини эркин идора этиш ҳуқуқларини, ўз билгича ҳаракат қилиш имкониятларини билдиради, унинг асоратдан, тазйиқлардан холилигини назарда тутади. Шу нуқтаи назардан қараганда озодликка хос жамики зарурий шарт ва шароитлар бизда таъмин этилган, унинг сиртқи аломатларининг ҳаммаси мавжуд. Қолган исму расмлари ҳар биримизнинг инсофимиз, диёнатимизга ҳаволадир.

Сиёсат илми назариётчиларининг ҳаммаси инсон кўнглининг қаърида қул ётади деб ҳисоблаб келганлар. Яъни одамзод аслида озодликни эмас, тўқ, бадастур қулликни қўмсар эмиш. Назаримда, айнан шу кунларда, айни бизларда шунга ўхшаш кайфият юзага келаётгандай. Биз озод туғилган инсонлар эмасмиз. Бизда озод яшаш тажрибаси йўқ, озод меҳнат услублари бизларга деярли номаълум. Бироқ озодлик дегани ўша «учинчи дунё» деб ном олган муҳитларга хос усти ялтироқ, ичи қалтироқ моллар эмаслиги мутлақо аён. Албатта, одам зоти қиммат либосларни кийишни, кўркам буюмлар қуршовида кун ўтказишни ёқтиради. Аслида бунинг ҳеч ёмони йўқ. Моддий омиллар инсон ҳаётида ҳал қилувчи ўрин тутади. Бу ҳақиқатни ҳатто коммунистик назариянинг бобокалони Маркс ҳам инкор эта олмаган, у ҳаттоки тарихни айни моддий нуқтаи назаридан келиб чиқиб табиий эҳтиёжлар даври, онгли эҳтиёжлар даври ва озод, яъни назар ҳам, нафс ҳам туйган давр деб уч қисмга бўлишга мажбур бўлган. Қолаверса капитализм ва коммунизм ўртасидаги мислсиз фожеавий пойга эҳтиёж масалаларига тўқиниб капитализм фойдасига ҳал бўлгани сир эмас. Бироқ эҳтиёж ва имкониятлар ўртасида нозик бир сарҳад мавжудки, уни хатлаб ўтгандан кейин инсон шахсияти тубанликка юз тутади. Ғарб мамлакатларида, масалан, аҳоли эҳтиёжлари малол келмайдиган ва кўзга ташланмайдиган тартибларда зимдан назорат ҳам этилади, шакллантириб ҳам борилади. Шу сабабдан у ёқларда ғашга тегадиган манзаралар ёки «кир кўйлакка жун жияк» тутган кишилар камроқ учрайди. Зеро, одамзод ер юзига фақат ейиш-ичиш учун келмайди. Тирикликнинг асл моҳияти ва мақсадлари тамоман бошқа — маънавий, руҳий жабҳаларда ётади. Бунинг устига табиат неъматлари чек-чегарасиз эмас, инсоният ўз талабларини бироз жиловламаса ер куррасининг ювилига қолиши бегумон.

Ўзбек азалдан ўз юртининг, ўз миллатининг, ўз урф-одатларининг фидойиси бўлган, ўзга юртлардан бахту иқбол қидиришни хаёлига ҳам келтирмаган. Балки шу сабабдандир, ўзимизнинг қадимий ўзбекона қадриятларимиз, асл миллий меросларимиз барча фалокат ва синовларга дош бериб бизгача етиб келди. Агар биз янги давр тақозоси билан етмиш йил давомида бўлгани каби яна улардан чекиниб, яна ўзгача расм-русумларни ўзлаштиришга киришсак «ёвдан қочиб ясинга учраган», сиёсий, маънавий йўриғдаги бир тур асоратдан қутулиб ундан ҳам хунукроқ — моддий асирликка тушган бўламиз. Капиталистик сафларда эса номсиз, нишонсиз одамлар сингари энг охирги ўринларга сурилиб қолишимиз ҳам ҳеч гап эмас. Холбуки, бизларнинг ҳам ўзимизга яраша озми-кўпми нафсониятимиз, обрў-эътиборимиз бор. Айтмоқчиманки, аҳволимиз оғир бўлса ҳам хориж ҳашаматларига нафсимиз пўкиллаб турса ҳам, лоақал орият юзасидан сир бой бермай турсак, қаддимизни тутсак, арқонни узунроқ ташласак пировард-оқибатда фақат ютамиз. Озод инсонлар қаторидан муносиб ўрнимизни эгаллаймиз.

Ғуломхон ҒОФУРОВ

БЕШИКДАН БОШЛАНУР УМР

Бешик — моддий ва маънавий мулкдир! Бешик шодлик, қувонч рамзи, авлодлар давомийлиги тимсоли, келажакка умид уйғотувчи муъжизадир! Афсуски, бешик шўролар мафкураси тарғиботчилари, дахрий врачлар томонидан «эскилик сарқити» дея қаттиқ таъқиқланди. Ҳатто «бешик — мусулмон болаларининг турмаси» дейишгача боришди. Бешик билан боғлиқ одатлар ҳам «Худойи», «Суннат тўй» каби хурофий ҳодиса деб тарғиб қилинди. Лекин халқ гоҳ пинҳона, гоҳ ошкора бешик одатларини бажариб келади. Бешик хонадонларни бутунлай тарк этмади. Халқ ўз орзу-армонларини бешиксиз тасаввур этолмайди. Эрта-индин невара, чевара кўриш умиди билан яшаётган нуроний момоларимиз ва боболаримизнинг хаёлларида бешик! Оила қурган ўғил-қизларига оқ фотиҳа бериб, уларга бахт, иқбол, омад, тўкинлик тилаган оналаримизнинг орзусида бешик! Умид билан бир ёстиққа бош қўйган, муҳаббат ришталарини бир умрга оила «ола хуржуни»га боғлаган, фарзанд — янги меҳмон қувончи билан энтикаётган ёш ота-она уйининг тўрида бешик!

Бешикда боланинг суяк чаноғи бош, бўйин, кўкрак-бел-думғаза, умуртқалари, қўл ва оёқлар тўғри ривожланади. Суякнинг тўғри ўсишини — умуртқа мутаносиблигини, тиббиётда қад-қомат (русча — осанка) дейилади. Ҳозир бешикда ётмаган болаларнинг 75 фоизида қад-қоматнинг бузилиши кузатилмоқда. Тиббиётда сколиоз, кифоз, лордоз деб юритилган хасталиклар ҳам бешик кўрмаган болаларда кўп учрамоқда. Бунинг сабаблари жуда оддий. Аёнки, бешикда чақалоқ бир кеча-кундузда 16-18 соат ётиши мумкин. Ана шу вақт бола суякларининг тўғри ўсиши, қоматнинг мутаносиб ривожланиши учун муҳит яратилади. Бешикка беланмаган бола эса кўп типирчилайди. Чақалоқ чапга, ўнгга, орқага, олдинга қараб кўп талпинади. Бунинг ўстига бола қўлда ҳам кўп силкинади. Ана шу силкинишларда умуртқа орасидаги тоғайсимон юмшоқ моддалар — ўсиш зонасига оғирликнинг тушиши натижасида суяклар ўсиши меъёрининг бузилишига олиб келади. Бола бешикда бўшроқ беланиб ётганда эркин бўлиб, унинг умуртқасига, тўғрироғи, ўсиш зонасига ҳеч қандай оғир тушмайди. Бешикда бола суякларининг ўсиш-қотиш жараёни тўғри кечади.

«Пойдевор мустаҳкам бўлса уй чиройли чиқади», дейди халқ. Шунга ўхшаш бешик бола суякларининг чиройли ўсишига пойдевор бўлиб хизмат қилади. Бешикда бош суяклари, кўзлар, бурун, қулоқ супалари, тишлар тўғри ривожланади.

Бешикда боланинг таги ҳўлланмайди, ҳарорат мўътадил бўлади. Бу болани ташқи муҳитнинг турли зарбаларидан асраш билан бирга шамоллардан — пневматик хасталиклардан сақлайди.

Бешикда бола тагига тўшаладиган кўрпачага уқаланган арча барги, қипиқ ёки тариқ солинади. Кўрпача бўз, ғон сурп, тринка, кандир каби дағалроқ матодан тикилади. Нега унга пахта ёки юшқа латта-путта солинмайди? Шунинг учунки, қуритилиб уқаланган арча барги ёки тариқ ўзига хос мимбрация — доимий силжиб туриш хусусиятига эга. Эластик мибрация боланинг нозик суякларига ва мушакларига терапик таъсир этиб, муолажа вазифасини ўтайди. Бу эса суякларнинг тўғри ривожланишига ёрдам беради.

Бундан ташқари арча барглари хушбўй ҳид таралиб турадики, бу бешик ичидаги ҳавони мўътадил сақлайди ва турли микробларни урчитмайди, сумак ва тувақдаги ёмон ҳидни кесиб туради.

Шундай қилиб, арча ва тариқ солинган кўрпача бешик ичида ҳавони алмаштириб, тана ҳароратини бир хил ушлаб туради, бола нафас олганда танасидаги босимнинг ўзгариб туришига ёрдам беради. Бешик тебранганда боланинг танаси ўзига хос массаж қилинади — теридаги биологик нуқталарни қўзғатиб, организмнинг биологик муҳофаза қувватини кучайтиради.

Халқ оммасининг онги юксалган сари мафкура янги босқичга кўтарилиб, ўз-ўзини англаш, она ерга содиқлик, озодлик, эркинлик ва тараққиёт сингари омилларни қамраб олади. Унда халқни ва ватанни ҳимоя қилиб, жаҳон даврасида муносиб ўрин эгаллаш сингари ғоялар ўз ифодасини топади.

Бу ерда шуни уқтириб ўтиш жоизки, мафкура қаттиқ назорат ва таъқиб остига олиниб бир бурчакка сиқиб қўйилган вақтлар бўлган. Аммо уни ҳеч қандай кўч қўпориб ташлай олмайди. У вақти келиб диллардан бамисоли вулқон каби отилиб умумхалқ ҳаракатларини юзага келтирган. Масалан, мўғуллар ҳукмронлигига қарши кўтарилган Маҳмуд Торобий ва Сарбадорлар қўзғолонлари шулар жумласидандир. Буларни мафкуранинг мустақиллик ва озодлик ҳақидаги ғоялари чулғаб олган эди.

Мафкура ғояларига ақл-идрокли, ватанпарвар, жасоратли, тадбиркор ва умуман ҳар жиҳатдан етук шахс бошчилик қилгандагина самарали бўлиши мумкин. Буюк Амир Темур мана шундай аҳёнда дунёга бир келадиган табаррук зотлардан эди. У мустақиллик ва озодлик рамзи сифатида тан олинган буюк шахс ҳисобланади. Амир Темур халқни зулматдан озод қилишни муқаддас бурч деб билган. У бу мақсадга содиқлигини амалда кўрсатиб, босқинчиларга қарши кураш олиб борди. «Мовароуннаҳр аҳолиси», — деб ёзади у, — менинг бу ишимдан хабар топиши биланоқ, тезда (мўғулларга) ҳужум қилишим кераклиги ҳақида истак билдирдилар. Чунки уларнинг қалби золимлар (мўғуллар) тоифасидан бутунлай безиган эди. Мовароуннаҳр аҳолисининг каттаю кичиги менга бирлашди. Мамлакатнинг уламо ва машойиҳлари (мўғулийлар) тоифасини йўқ қилиш ҳақида фатво ёзиб бердилар. Улус амирлари ва қўшин бошлиқларининг баъзилари ҳам бу ишга қўшилиб бизга бирлашдилар. Бу тўғрида ёзилган аҳднома ва фатволарнинг нусхаси бу эди: «Тўғри йўллик халифалар, аллоҳ таоло уларнинг жамисидан мамнун бўлсин, тутган йўлларига ва тутган ишларига мувофиқ Мовароуннаҳрдаги бутун аҳли ислом, сипоҳу раият ёҳуд уламою машойиҳ бўлсин, Амир Темурга иззату икром кўрсатиб, уни Амир Темур қутби салтанати олий деб атасинлар ва уни Аллоҳнинг (ердаги) қудрати — салтанат тахтига лойиқ кўрсинлар».

Демак, жамоа аҳлининг барча тоифалари Амир Темурни ўзининг халоскори ва ҳукмдори сифатида қадрлаган эди. «Мусулмонларнинг, — дейилган ўша аҳдномада, — ери, номуси, мол-мулки ҳамда жонига зулм, ситам қилини чўзган (мўғуллар) тоифасини даф қилишда ва умуман йўқотишда Темурга (ёрдамлашиш учун) ўз мол ва жонларини аямай, тиришиб ҳаракат қилсинлар. Биз ўз аҳду байъатимизда содиқ қолурмиз. Агар берган аҳдпаймонимиздан қайтсак, Аллоҳнинг қудратию қуввати ва ёрдамидан чиқиб, шайтон қудрати ва ёрдами йўлига кирган бўлайлик». Бу фатвони менга кўрсатганларидан сўнг жангу жадал байроғини кўтариб (мўғуллар) устига лашкар тортишга қарор қилдим ва мазлумлар ҳақини золимлардан олмоқчи бўлдим. Лекин бир неча разил кишилар бу сирни фош қилиб қўйдилар».

Амир Темур даврини бошқатдан ўрганишимиз лозим. Нега деганда Амир Темур тузукларини ўқисам худди бугунги замоннинг катта-катта муаммоларига жавоб топгандай бўламан.

Ислом КАРИМОВ.

Шундан кейин Амир Темур ўлканинг гоҳ у жойида, гоҳ бу жойида душманга қаши курашда кўп азоб-уқубатларни бошидан кечирди. Ҳатто у бир неча бор ҳалокат ёқасида турди, лекин унинг ватанга муҳаббати ва иродаси букилмади ҳамда синмади. Унинг қалби ва умуман бутун аъзойи бадани мафкуранинг ватанпарварлик, мустақиллик ва озодлик ғоялари билан суғорилган эди. У халқ ва ватан дардида яшаб унинг равнақи учун ҳеч нарсадан тоймади. «Салтанат тўнини кийгач, — деб ёзади Амир Темур, — тинчлигу соғлигим кетди, ўз тўшагимда роҳатда ухлаш ҳузур-ҳаловатидан воз кечдим. Ун икки ёшимдан турли диёрларни кездим, ранжу меҳнат тортдим. Ҳар хил тадбирлар қўллаб (ғаним) фавжларини синдирдим. Амирлар ва сипоҳиларнинг исёнларини кўрдим. Улардан аччиқ сўзлар эшитдим. Лекин сабр-бардош билан ўзимни эшитмаган-кўрмаганга солиб, уларни тинчитдим. Қилич кўтариб, жанг майдонига отилдим ва шу тариқа дунёга ном чиқардим».

Ҳамид ЗИЁЕВ

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИНИНГ МАФКУРАСИ

Хуллас, халқнинг мафкураси Амир Темур сиймосида ва фаолиятида тўла ифодасини топди. Шунинг учун мамлакат мустақиллигини тиклашга эришилди. Ҳамда халқ мафкураси Амир Темур давлатининг моҳияти ва йўналишини белгилади. У бу даврда ҳам сиёсий, иқтисодий ва маънавий асосларга эга эди.

Мафкуранинг сиёсий соҳадаги тутган муҳим ўрни 1370 йилда Амир Темур давлатининг барпо этилишида намоён бўлди. Бу ерда унинг мустақиллиги тиклаш ҳақидаги даъвати амалга оширилди. Марказлашган ва қудратли давлатни юзага келтириш мафкуранинг асосий йўналишига айланди. Бунга эришиш учун аввало ўзаро чиқишмовчиликларга ва урушларга барҳам бериб, давлатни ички тарафдан мустаҳкамлаш зарур эди. Бу тўғрида Амир Темурнинг сўзларини келтириш ўринлидир: «Турон вилоятини забт этиб, Мовароуннаҳр вилоятини (мўғуллар) вужудининг хас-хашагидан тозалаганимдан кейин баъзи улусларнинг амирлари менга итоат этиб бош эгишни истамадилар ва ҳар бири ўз қабилалари олдида (ҳеч кимга бўйсунмаслигини кўрсатмоқчи бўлиб) ноз қилиб турардилар. Амирларимдан баъзилари уларнинг ёнини олиб менга «бу давлатга баримиз шерик бўлганимиздан кейин, уларни ҳам давлатга шерик деб билайлик», дедилар. Лекин уларнинг гаплари менинг салтанат юритишимдаги ғайратимга таъсир қилмади. Ўзимча кенгашдимки, «худо битта, унинг шериги йўқдир. Шундай бўлгач, Аллоҳ таолонинг муқаддас мулки — ер юзига эгалик қиладиган (кадхудо) киши ҳам битта бўлиши керак». Амир Темур ўзининг бундай сиёсатини ҳокимиятни қўлга олгунга қадар ва кейин ҳам изчиллик билан олиб бориши туфайли бутун мамлакатда тинчлик ва осойишталик таъминланди.

ҲАДИСЛАР

• Ҳаёли, одобли бўлмоқ ҳар вақт хайрли ишларга сабаб бўлур.

• Инсонларнинг карами диндадир, муруввати ақлдадир, обрўси ахлоқидадир.

• Мўмин кишида ёмонлик билан бахиллик бўлмас.

• Зиёратингизга келган одамнинг ҳурматини жойига қўйинглар.

• Қайси бирларингда жаҳлу ғазаб кўзиса, дарҳол сукут сақлашга ўтсин.

• Имоннинг афзали — сабр ва кенг қалбли бўлишдир.

• Ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқу одобдан буюкроқ мерос беролмайди.

• Илмли киши бу дунёда иззат-обрў топади ва охиратда шарафланади.

• Умматимнинг энг яхшиси ўз аҳли аёлига меҳрибонроғидир.

• Илм ўрганиш учун Чин Мочинга бўлса ҳам боришдан қайтма.

• Кимнинг қалбига Тангри инсониятга нисбатан раҳму шафқат ато этмаган бўлса, у энг зиёнкор бандадир.

• Ҳақингни хоҳ мукаммал, хоҳ ками билан бўлса-да, ҳалол қилиб ол.

• Мўмин кишида қўйидаги икки ҳислат бўлмаслиги керак: бахиллик ва ахлоқсизлик.

• Ёмон сўзни айтувчи билан уни ўзгаларга ёйувчи — иккаласи ҳам гуноҳкорликда баробардир.

Абдурашид АБДУРАҲМОНОВ

ШУМЕРЛАР, ГУМЕРЛАР ВА КИММЕРЛАР

(«Билгамиш ҳоқон» мақоласидан)

Туркий қабилаларнинг энг қадимги қавми гумер ҳисобланади. Бу қавм ўзларини Нуҳ тўфонидан сўнг дунёда пайдо бўлган биринчи халқлардан деб тушунишган. Муқаддас китоб «Инжил»да гумер Нуҳ пайғамбарнинг ўғли Ёфат (Ёфас)нинг биринчи фарзанди деб кўрсатилган. Қадимшуносларнинг туркийларнинг киммер қабиласини гумер қавминнинг номи сифатида эътироф этишади. Антик юнон ва оссурий тарихчиларининг китобларида киммерлар ҳақида бой маълумотлар берилган. Тарихий асарларда бу туркий қабиланинг номи гимер, киммер шаклида, шумер эса баъзан сумер шаклида ҳам ёзилган. Бизнингча, шумер ва киммер номларида мантиқан боғлиқлик бор. Бу фақатгина оҳангдошлик хусусиятига кўра эмас, айни пайтда гумер қабиласи ҳам шумердай дунёдаги энг қадимги қабилалардан бири эканлигида ҳамдир.

Антик давр юнон ва оссурий тилида битилган тарихий китобларда киммерийларнинг ватани шимолда — Қрим бўйларида деб кўрсатилган. Шумерлар эса Месопотамияда яшаганлар. Узоқ Месопотамия билан киммерлар ўртасида яқинлик бўлганми? Шумер ва киммер халқини бир-бирига боғлайдиган асослар нимада? Муқаддас китобларда кўрсатилган гумернинг ўғилларидан бири Ашканоз. Бу қавм тарихда искифлар номи билан юритилади. Улар дунёни ўз ҳарбий кучлари билан титратганлар. Алп Эр Тўнга шу қавмдан етишган улуғ ҳоқондир. Гумернинг яна бир ўғли Тўгарма деб аталган. Ундан Месопотамияда яшаган халқлар тарқалган.

Демак, киммер ва искифлар Кичик Осиё мамлакатларига тез-тез ҳужум қилиши ҳамда бу ҳудудда ўз ҳукмронлигини ўтказишга уринишининг мантиқий замини мавжуд. Ахир, Оссурия шоҳи Ашшурбанипал ўз кутубхонасида шумерийларнинг сопол китобларини бекорга сақламаган. Алп Эр Тўнганинг оғаси Прототийга оссурийлар шоҳи тинчлик иттифоқини мустаҳкамлаш учун ўз қизини хотинликка берган эди. Шу кундан бошлаб Прототий оссурийларнинг шоҳи сифатида тан олинган. Ёки айрим манбаларда Алп Эр Тўнга ҳам Ашшурбанипалнинг куёви бўлганлиги қайд этилади. Мидия шоҳи Кайхисрав Алп Эр Тўнгани ўлдириб, Оссурия кутубхонасини ёқиб юборишга уринганида катта мантиқ бор. Ахир, бу Кайхисрав Оссурия кутубхонасида киммерий ва искифлар маданияти, тарихи ва адабиёти битилган хазина борлигини сезганлиги эмасми?

Шумер ва қадимги месопотамияликлар туркийлар билан яқинлигини асословчи яна бир неча далиллар келтириш мумкин. Чувашлар туркийларнинг қадимги қавмларидан биридир. Чувашия жумҳуриятида Шумерия деб аталувчи шаҳар мавжуд. Х асрда яшаган араб тарихчиси ибн Ховқал маълумот беришича, Самарқанд атрофидаги Шовдор тоғларида (ҳозирги Ургут тумани)да месопотамиялик — ироқликларнинг қишлоғи бўлган. Улар ўзларини доимий яшайдиган халқ сифатида кўрсатишган. Айтиш керакки, Шумер вилояти ҳозир жанубий Месопотамия — Ироқда. Араб тарихчилари ироқлик «араб»ларнинг Жиззах, Тошкент атрофларида ҳам қишлоқлари бўлганини ёзишади. Ироқликларнинг Ургутдаги қишлоғи Вазқирд, Жиззахдагиси Винкерд, Тошкент атрофидагиси Бинкент деб аталган (Ушбу сатрлар муаллифнинг «Фан ва турмуш» ойномасида (1971, № 8) босилган «Месопотамияликларнинг Ургутдаги манзиллари» мақоласида бу ҳақда кенгроқ фикр юритилган). Археолог В. Л. Вяткин месопотамияликларнинг Ургутдаги манзили бўйлаб кузатиш ишлари олиб бориб, улар яшайдиган жойни Қиғиғ қишлоғида деб кўрсатади. Қиғиғнинг киммер, гиммер, киммерга яқинлик томони йўқ эмас. 1920 йилда академик В. В. Бартольд Ургут тоғларининг Гулбоғ сойидаги қоядан Сурия тилидаги ёзувларни ҳам кўрган. Ажабмаски, арабларгача Марказий Осиё шаҳарларида яшай бошлаган ва ўзини ироқлик деб ҳисоблаган халқлар шумерийлар авлодидан бўлса.

Милоддан аввалги 3 мингинчи йилларнинг ўрталарида аккад ва шумер давлатлари бирлаштирилган. Аккад давлати тахминан 120 йил яшаган. Милоддан аввалги 2200 йилда Шарқ томондан келган тоғлиқ гутий деб номланган урушқоқ халқлар аккадлар ҳукуматини ағдаришган. Бундай қаҳрамонликка шумерларнинг Лагаш шаҳри аҳолиси катта ёрдам берган. XII асрнинг охирига келиб, Ур сулоласидан бўлак қавм улардан ҳокимиятни қайтариб олади ва гутийлар билан лагашликлар мамлакатдан чиқариб юборилади.

Бу ўринда яна бир назарияни ҳам эслатиб ўтиш керак. Кўпчилик шумершунослар Месопотамияга Шарқдан, тоғлиқ ўлкалардан, эҳтимол Эрон ва Марказий Осиёдан келиб қолган деган фикрни ҳам олга сурганлар.

КУНЛАРДАН БИР КУНИ...

• Мавлоно Зулий номли бир киши Абдураҳмон Жомийнинг уйига келиб, ўз шеърини ўқиб берибди ва ўтган азизларнинг руҳини ўртага солиб:

— Шу шеърим ҳақида бирон нарса ёзиб беринг, шоирлар ва зарифлар олдида фахрланиб юрай, — дебди.

Абдураҳмон Жомий ноилож қўлига қалам олиб, Мавлоно Зулийнинг шеъри ҳақида қўйидагиларни ёзибди:

«Мавлоно Зулий, шеърингиз улканлиги шу даражадаки, уни вазн тор кучасига киритиб ҳам бўлмайди, табъ мезони билан улчаб ҳам бўлмайди».

***

• 1914 йилда немис иркчи журналистларидан бири атоқли француз ёзувчиси Ромен Роллан билан учрашиб унга шундай савол берибди:

— Ҳозир Европа халқларининг олий иркка мансуб эканлиги ҳақида шовшувлар кўпайиб қолди. Бу масалада сизнинг фикрингиз қандай?

— Сунъий равишда софлантирилган сув менинг мижозимга тўғри келмайди, — дебди Ромен Роллан иркчи журналистга жавобан. — Мен доимо улкан дарёларнинг шарқираб оққан сувидан ичсам деб орзу қиламан.

***

• Шоир Михаил Светлов санъаткорлар билан суҳбатлашиб ўтирар экан, бир режиссёр ҳақида гап кетибди. Режиссёрнинг ўзи даврада йўқ экан.

- Ёмон режиссёр эмасу, — дебди шоир, — Мейерхольднинг арзонлашган хили...

Бу гапни эшитган режиссёр кейинроқ шоирга гинахонлик қилибди.

— Хафа бўлишингиз ўринсиз, дўстим, - дебди Михаил Светлов, — агар мени биров: «Пушкиннинг арзонлашган хили» деса хурсандлигимдан бошим осмонга етарди.

***

• Бир эзма хоним инглиз олими Томас Эдиссоннинг ишхонасига келиб унинг ихтироларини мақтайверибди.

— Мен жуда ҳам қойил қолдим. Сиз дунёда биринчи бўлиб гапирадиган машина яратдингиз... — деб гапида давом этибди хоним. Кераксиз мақтовлардан зериккан олим хонимнинг гапини бўлибди:

— Янглишяпсиз, хоним, — дебди у. — Бетўхтов гапирадиган машинани биринчи бўлиб табиатнинг ўзи яратган. Мен эса кишининг хоҳиши билан ўчириб қўйса бўладиган гапирувчи машина яратганман.

«МУЛОҚОТ» ЗАФИРЧАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Г -- 0436.

Навбатчи муҳаррир А. РЎЗИЕВ, навбатчи Р. ШОДИЕВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.

1 2 3 4 5 6.